

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqqa boshlagan • www.uzas.uz • 2008-yil, 23-may • № 21 (3953)

БАРКАМОЛЛИК САРИ

Спорт йилдан-йилга мамлакатимиз ёшлари ҳаётининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Деярли ҳар куни дунёнинг турли қитъаларидан ўзбекистонлик йигит-қизларнинг ажойиб ғалабалари тўғрисида хушxabарлар келиб туриши эндиликда оддий бир ҳол бўлиб қолди. Ёш авлод истиқлол туфайли яратилган имкониятлардан фойдаланиб, спорт соҳасида голиблик шоҳсупасининг баланд погонасига дадил кўтарилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ҳам катта аҳамият касб этаётир.

17 — 20 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган ёш спортчилар Нукус ва Тахиташоҳ шаҳарлари, Хўжайли ва Кегайли туманларидаги замонавий спорт комплексларида спортнинг ўн икки тури бўйича ўзаро беллашдилар. Президент Ислам Каримовнинг "Баркамол авлод" спорт ўйинлари қатнашчиларига йўллаган табриги ва унда айтилган "Бу мусобақалар нафақат спорт майдонларида, балки ҳаётдаги интилишларида ҳам ёшларимизнинг парвозига қанот беради, уларни иродаси мустаҳкам, эл-юртига садоқатли, Ватан шарафини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади", деган қанотбахш сўзлар ёшларга баланд илҳом ва шижоат бағишлади.

Тошкент шаҳри вақиллари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни, Фарғона вилояти ёшлари эса учинчи ўринни эгалладилар. Голиблар турли номинациялар бўйича қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари байроғини навбатдаги мезбон — Сурхондарё вилояти ёш спортчилари қабул қилиб олдилар. Мамлакат ёшларининг бу анжуманини кўтаринки руҳда тайёрлаш ва ўтказишда санаткорлар ҳам муносиб хисса қўшишди. "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашма-



М.АМИН (ЎзА) олган сурат.

рига қатъиян риоя қилинган ҳолда ўтказилди, ҳакамлар ёш иштирокчиларнинг маҳоратларини холислик билан баҳолаб турдилар. Гоёт қизгин беллашувлар остида ўтган ўйинларнинг якунига кўра биринчи мукофот — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримовнинг "Баркамол авлод — 2008" ўйинлари иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ва "Дамас" автомашинаси голиб жамоа — Қорақалпоғистон ёшларига топширилди. Тошкент шаҳри вақиллари умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни, Фарғона вилояти ёшлари эса учинчи ўринни эгалладилар. Голиблар турли номинациялар бўйича қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинлари байроғини навбатдаги мезбон — Сурхондарё вилояти ёш спортчилари қабул қилиб олдилар.

си тасарруфидаги театрлар жамоаларининг қорақалпоқ диёрида ўтказган учрашувлари, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театр етакчи артистлари ижросидаги концертлар оролбўйлик томошабинлар ёлдида узоқ вақт сақланиб қолиши аниқ. Айниқса, Аваз Ражабов, Кенес-бери Сержанов, Сайфутдин Рўзайқулов, Сайёра Хайридинова, Мухаббат Дошанова, Амина Бобонова, Даниил Орлов, Равшан Чориев, Динара Мустахшинова ижросидаги "Кармен", "Риголетто", "Флория тоска", "Майсаранинг иши", "Севилия сартароши", "Дон Хихот", "Спартак", "Севи тумо-

ри" каби опера ва балет асарларидан лавҳалар муҳлисларга манзур бўлди. Ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари Амударё ва Беруний туманларида ҳам давом этди. Ўзбек Миллий академик драма театри санаткорлари Толиб Каримов, Эркин Қомиллов, Дилбар Икромова, Гаҳвар Зокирова, ёш истеъодли актёрлардан, Вазира Юнусова, Дурдона Турсунбоева, Собир Отажонов, Муяссар Бердиқулова, Насиба Исмоилова ва бошқалар Чимбой, Кегайли, Қонлиқул, Шуманай, Нукус туманларида, Тахиташоҳ шаҳрида бўлиб, "Бир қадам йўл", "Уч қунлик дунё", "Андишали келинчак", "Кирмизи олма" каби спектакллардан парчалар намойиш этдилар. Қорақалпоқ диёрида ўтказилган ҳар бир учрашув қизиқарли савол-жавобларга бой бўлди, турли тилларда янграган куй-ўшшқлар эса Оролбўйи меҳнатқашлари қалбига олам-олам завқ-шавқ бағишлади. "Баркамол авлод — 2008" спорт ўйинларининг ёпилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М.Ерниёзов иштирок этди.

ОЛИМПИА ОЛОВИ ЭВЕРЕСТДА!

Жамолунгма, Эверест — сайёрамизнинг энг баланд нуқтаси яна қандай номлар билан аталаркан?! Олимпия ўйинлари тарихида илк бор "Пекин — 2008" Олимпиада машъаласи ва байроғини ўрнатиш учун 80 нафар Хитой алпинистлари шу йил 8 май куни 6 соат мобайнида денгиз сатҳидан 8844 метр баландликка кўтарилдилар.

Яқинда Ўзбекистон жамоатчилиги ўзбек алпинистлари Эверест чўққисини забт этганларининг 10 йиллигини нишонлайди. "Мен Хитой алпинистларининг жасоратини бўлажак Олимпиаданинг энг ҳаяжонли дақиқаси сифатида тедорқ этдим. Чўққига кўтарилиш жараёни, жилла курси, телевизор экранни орқали кузатиш бу воқеани бир умр хотирага муҳрлаб қўяди. Жуда хурсандман, бунинг таърифига сўз йўқ, худди ўзимни ўша юксак чўққиди яна бир қарра тургандек ҳис этдим", дейди бир вақтлар чўққини забт этишда иштирок этган Илбс ТУХВАТУЛЛИН.

— Алпинизм, сайёрамизнинг энг юқори чўққиларини забт этиш, ҳойнаҳой, ҳеч қачон Олимпиада ўйинлари турлари рўйхатига киритилмас керак?! — Нимасини айтасиз! Хитой алпинистлари ана шу ҳаракатни бошлашга муваффақ бўлдилар. Бунинг учун уларга катта раҳмат. Бунинг ортида беқиёс мардондор меҳнат, юксак хоҳиш ва ирода ётибди. — Қисқа вақт ичида бу каби баландликка кўтарилишнинг ўзи бўлмас керак?! — Албатта, бунинг учун пухта тайёрларли қўрилган, алпинистлар иқлимга мослаштирилган жиддий синаотларидан ўтишган, хул-



— Улар шаҳсан сизни 50 ёшга тўлишингиз арафасида ажойиб тўхфа билан хушнуд этишди.

— Ҳа, бу воқеа мен ва оила аъзоларим хотирасида бир умр сақланиб қолади. Ҳам уларнинг, ҳам ўзимизнинг бу борадаги ютуқларимиздан қувончим чексиз. Биз яқин кунлар ичида бу ғалабаларимизни алпинизм соҳасидаги янги юксалишлар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Ёдингизда бўлса, юксалиш давримиз 1998 йил 22 майда бошланган эди. Ана шу санани нишонлаш муносабати билан йилгама, ортада қолган воқеаларни эслаймиз, видеоёзувларни томоша қиламиз, бир сўз билан айтганда, эслашга арзигулик нарсалар бор.

Яна бир фикрни қўшимча қилишни истардим: бизнинг спортчиларимиз Олимпия ўйинларига бошдан-оёқ гилам тўшалган текис йўлдан кириб бормаганларидек, ер юзининг энг юқори нуқтаси саналиш Эверест чўққисига олиб борадиган йўл том маънода ҳам, кўчма маънода ҳам ниҳоятда машаққатли. Умуман олганда, юлдузларга, чўққиларга элтувчи йўл жуда ҳам машаққатли, серзаҳмат бўлади...

Г. УМАРОВА

ЎЛКАНИ ЎРГАНИШ ЎЗНИ БИЛИШДИР

Кўни кеча пойтахтимиздаги муҳташам Маданият ва санъат кўргазмаси биносида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекмузей" жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ташкил этилган Ўзбекистон музейлари фестивали ўз ишини бошлади.

Мазкур тадбирдан кўзда тутилган асосий мақсад дунё тамаддуни тарихида муносиб ўринга эга қадимий Тошкентнинг бой ўтмиш тарихи, маданияти ва маърифатини тарихий манбалар, қадимий ёзувлар, археологик топилмалар, бошқа муҳим ашёвий далиллар орқали халқимизга, мустақиллик йилларида ўсиб улғаяётган ёш авлод вақилларига, шу жумладан, мамлакатимиз меҳмонларига кўрсатилган иборат. Шу мақсадда мазкур фестивалда республика вилоят ва шаҳарларида фаолият олиб бораётган 17 та тарихий, ўлкашунослик, санъат ва бошқа йўналишдаги музейлар ўзларининг ноб ёсоори-атқилари билан иштирок этмоқдалар.

Фестивалнинг Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари А.Хайдаров кичкача кириш ўрнги билан очди. Мамлакат Президентининг қарорига кўра, кейинги йили жонажон пойтахтимизнинг 2200 йиллиги кенг нишонланади. Айни кунларда бу муҳим санага тайёргарлик қўриш, мустақиллик йилларида янги қиёфа ва мазмунга эга бўлган пойтахтни янада обод ва кўркам қилиш юзасидан кенг қўламли бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилган. "Ушбу фестивал пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланаётганида катта рамзий маъно бор, — деб таъкидлади нотик. — Музейларимизда ноб экспонатлар жуда кўп, улардан баҳраманд бўлиш ҳар биримизга Ватанимиз маданий-маърифий тарихини янада чуқур ҳис этишга, ўтмиш авлодлар маънавия-

тидан гурурланишга имкон беради". Фестивалнинг очилишида сўзга чиққан Республика Фанлар Академияси вице-президенти С.Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Абдураҳимова ва бошқалар мамлакатимизда фаолият юритаётган музейларнинг ёшлар тарбиясида тугган алоҳида ўрнига тўхталиб ўтдилар. Ёш авлод вақилларини бу ерда намойиш этилаётган нодир экспонатлар билан таништириш улар қалбига она-Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат руҳини янада қайтайтириши шубҳасиз. Чўноччи, пойтахтимизнинг Чоч, Шош, Бинкент номлари билан боғлиқ ўтмиш, собиқ тузум пайтида ноб архитектура ёдгорликларининг аянчли аҳволга тушиб қолиши ва, истиқлол йилларида келиб, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан уларнинг қайтадан тикланиб, асл холига келтирилиши ва муқаддас зиёратгоҳларга айланиши, бугун нафақат Марказий Осиёда, дунёда ҳам ўз нуфузига эга бўлган пойтахтимизнинг эртанги кўни ҳақида хикоя қилувчи экспонатлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.



Давоми бешинчи бетда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси, Республика "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Фарғона вилояти ҳокимлиги Маданият ва спорт ишлари бошқармаси билан биргаликда

"Ёшлар йили"га бағишлаб 2008 йил 29 — 30 май кунлари Фарғона шаҳрида

ДОРБЎЗЛАР ВА ЦИРК САЊЪАТИ ЖАМОАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ФЕСТИВАЛИНИ ўтказади

Кўрик-фестивал 29 май куни соат 11⁰⁰ да Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғида бошланади.

31 май куни соат 18⁰⁰ да фестивал голиблари иштирокида катта томоша ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтади. Ташкилий қўмита

ҚАНОАТДА ҲИКМАТ БОР

Езувчининг бошқа касб эгаларидан фарқи бир жиҳати бор. Қалам ахли бадий асар воситида ўзларининг ички тўғёнларини қоғозга қўчиради-лар. Мутлола чоғида бу тўғён сизнинг ҳам қалбингизни эгаллайди. Яқинда таниқли публицист Жаҳонгир Исмоиловнинг «Сўнги манзил» деб номланган китобини ўқиб чиқдим. Биринчи саҳифадаги сурат диққатини тортди. Кузги ҳазонр. Чор-атроф сарғиш тус олган. Дарахт шохларидаги сўнги япроқлар ҳам аста-секин тўқилиб бормоқда. Мусаввир бу билан инсон умри боқий эмаслигини тасвирламоқ-

чи бўлган бўлса керак. Менга эса ушбу сурат китобдан ўрин олган қиссалар мазмунига мослиги билан ҳам маъқул бўлди. «Сўнги манзил» қиссасидаги воқеалар собиқ шўро замониди юз беради. Асосий қаҳрамон Тўхтасин Норқулович дурустгина мансаб эгаси. Уй-жойи, мол-давлати етарли. Аммо унда қаноат, шукр йўқ. Ҳамма кўргуликлар унинг бошига шу қамчилиги туфайли келади. Умри адоғида буни ўзи ҳам тушуниб етди, аммо энди кеч... Китобни ўқир эканман, ҳаётимизда, ён-атрофимизда Тўхтасин Норқуловичга ўхша-

ган одамлар бугун ҳам борлигини ҳис этаман. Кейинчиларни сабр-бардош билан енгизи, шукр қилиш, ҳасад, фирибарлик кўчасига кирмаслик — бизларга ота-боболаримиздан қолган фазилат. Аммо, баъзилар бунга амал қилишмайди. Хиёнат, фиққасодга берилиб, умрни беҳуда ўтказишади. Кейинги пушаймон, афсуснадоматдан эса фойда йўқ. Китоб муаллифи, яқинда халқаро «Олтин қалам» мукофотиغا сазовор бўлган Жаҳонгир Исмоиловга янги ижодий муваффақиятлар тилаб қоламан. Гулчохра АШУРОВА, Галвасий педагогика коллежи талабаси

ОПЕРА — МУСИҚИЙ МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

Опера жаҳон муסיқасининг энг мукамал турларидан бири. У санъатнинг барча қирраларини ўзида муҳассамлаштиргани туфайли энг кўркам жанр ҳисобланади. Опера кўп жиҳатдан миллат кўзгуси, миллий ифтихор намунаси. Ўзбекистоннинг миллий операси мавжудлигини бугун жаҳон эътирофи этади. Бу эса ўзбек муסיқа маданиятининг бугунги салоҳиятига берилган энг юксак баҳо.

Ўзбек операси XX асрда ўта машаққатли йўлни босиб ўтди. Бу йўлда қанчадан-қанча «маърифат қурбонлари» жон фидо этдилар. Биринчи ўзбек операси «Халима»нинг (1920 й.) муаллифи Ғулом Зафарий, ўзбек операси ўзбекча талаффузда айтилиши тарафдори бўлган Мухиддин Қорниёв бўлган, ўзбек операси фақат миллий оҳанглардагина ўз қиёфасини топиши мумкин, деган фикрда тик турган Мутаваккил Бурҳонов ва қанчадан-қанча фидойилар армон билан яшаб ўтдилар.

Мустақиллик — бу эзгу ниятларга мустаҳкам сиёсий ва гоғвий асос яратди. Шу туфайли миллий опера театримиз қайта оёққа турмоқда. «Миллий опера» дегани кенг маъноли тушунча. Уни яратмоқ учун жуда кўп омилар лозим. Лекин, бу турфа жиҳатларнинг ўқ илдизини юксак санъат талабларига жавоб бериш бадий асар ташкил этади, албатта. Опера асарининг бадий қиммати нима билан ўлланади? Ижод мезонининг бундай тарозиси мавжуд эмас. Ҳар ҳолда инсонга шудай бир туйғу ато этилганки, у чинакам санъат асарига дуч келганда, қалбиди беихтиёр эътироф ҳажонини пайдо бўлади. Яқинда таниқли композитор Мустафо Бағфовнинг Ўзбекистон халқ шoirи Жуманиёв Жабборов либреттоси асосида яратилган «Севи самосин» операси намойиш этилди. Аслида бу асар буюк аждодимиз Ал-Фарғонийнинг 1000 йиллигига атаб, 1998 йилда ёзилган. Бироқ у пайт асар қисқартирилган кўринишда кўрсатилган эди. Мана энди бу асар тўлақонли опера-балет шаклида саҳналаштирилди. Янги саҳна асари илк бор тор доирада ижро этилганидаёқ, мутахассислар томонидан қизгин қабул қилинди. Опера тақдимотларида бу жуда ҳам учрайдиган ҳол. Турри, «Севи самосин» саҳналаштириш, композитор ва драматург кўзланган гоғларни ижрода зохир этиш борасида камчиликлар кўп. Уларни бартараф этиш жараёни муайян мuddат ва шарт-шароитларни тақозо этади. Театр ахли бу камчиликларни бошқалардан кўра яхшироқ билади.

Қолаверса, ҳар қандай театрда ҳам ҳеч бир опера биринчи кўйилишиданок раван йўлга тушиб кетган эмас. Бугун бизнинг театрда мумтоз намуна сифатида қайд қилинадиган «Диплом», «Майсаранинг иши» ҳам неча юз марта қўйилиб, сайқал топганлиги маълум. Иншооллох «Севи самосин»нинг бундай эзгу жараёни хали олдинда.

Ана шу масъулиятни ҳис қилган таниқли санъат арбоблари ва эзко мутахассислар, асар хали саҳнада пишиб етилишини эътиборга олган ҳолда, операнинг саҳналаштирилишини юқори баҳоламоқда-лар. Саҳнада сўнги катта театр директори Бахтиёр Ёқубов, Ўзбекистон композиторлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, узоқ йиллар мазкур уюшма раҳбари сифатида қўлаб операларни қабул қилишда иштирок этган Аҳмаджон Жабборов, профессор Файзулла Кароматовлар асарни юқори баҳоладилар. Қанчадан-қанча партитураларни кўздан кечирган опера дирижёрлари Дилбар Абдураҳимова, Сулаймон Шодмонновлар ҳам «Севи самосин»ни юзага келишини мамнуният билан эътироф этмоқдалар. Асарнинг балет қисмини саҳналаштирган таниқли устоз Иброҳим Юсупов шу жараёнга алоқадор эканидан жуда мамнун.

Саҳнада жавлон ураётган ижрочиларнинг ўзлари ҳам анчадан бундан озу қилинаётган миллий опера рўёбга келаётганидан мамнунлар. Етук опера солисти Аваз Ражабовнинг қадди-қомаи, воғзи, маҳорати саҳнани беэза туртирди. У Аҳмад Фарғонийдай мўтабар аллома тимсоллига муносиб ижрочи эканини намойиш этаётир.

Давоми бешинчи бетда.

ЎШУ СОНДА: **ЁШЛАР ОВОЗИ ҲУРРИЯТ БАЙРОҒИ БОБУРНИНГ БИР ЖУМЛАСИ**

"АСАКАБАНК": ишонч, унум, даромад!

"ГАЛЛАБАНК": сиздан ҳаракат, биздан баракат!

Бугун олий ва ўрта махсус таълим масканларида тахсил олаётган ёш қаламкаш ва истеъдодли тадқиқотчиларнинг тахририятимизга йўллаётган ижод намуналарини кўздан кечиришда уларнинг илм ва ижод, мамлакат раванқи йўлида катта жонкуярлик билан фикр юритаётганларни кўнгилли ёрғу йўлларга тўлдирди. Эҳтимол, уларнинг фикр-мулоҳазаларида ёшликка хос жўшқинлик, ҳали у қадар пишиб етилмаган жиҳатлар бўлиши мумкин. Бироқ ёшларимиз ўз мустақил ватанларининг ҳақиқий эгаси сифатида эртанги кунимизни яратиш йўлида катта иштиёқ билан мушоҳада юритаётганлиги, таҳлилларининг ян-

гилиги, ўзларини қизиқтираётган, ўйлантираётган масалаларни дидиллик билан ўртага ташлаётганлари эътиборга сазовордир. Президентимиз ораулаётган ёшликка хос уйғоқ фикр куртакларини мана шу ёш ижодкор ва тадқиқотчилар тимсолида кўриш, шубҳасиз, уларнинг келажаги, эртанги кунимиз нурафшонлигига катта умид уйғотади.

Ихтимой-иктисодий ҳаёт ва публицистика соҳасида қалам тебратётган навқирон авлод ижод намуналаридан таркиб топган «Ёшлар овози»нинг ушбу саҳифаси ҳам муштарийларимизга манзур бўлади, деган умиддамиз.

БОҒ САЙРИ

Ўтган яқшанба кун шаҳар айлаиб, ҳазрат Навоий боғимизга ҳайқали бетакор кўрк бағишлар турган Миллий боғимизни зийрат қилдим. Кўклар охираб, ёзнинг қайноқ нафаси уфуро бошланган айни кунларда боғ шундай бир оромикон масканга айланбдики, худди жаннат боғларида кезиб юргандек ҳис этасиз ўзингизни.

Бу гўзал боғга истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ асос солинган, унинг баланд шохсупасидаги мейвора шайлончада улғу мутафаккир бобомизнинг муқташам ёдгорлиги қад ростлаган экан. Миллий боғлар яратиш, қадимий боғ мейвора-чилигини тиклаш йўлида Юртбошимиз раҳнамолигида изчиллик билан амалга ошириб келинаётган бундай бунёдкорлик ишларини бугун юртимизнинг барча шаҳарларида кўриш мумкин. Пойтахт марказида Сайлгоҳ, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги, «Аква-парк» каби яна ўнлаб боғ-мейвора-чилик намунаси бўлган гўзал хиёбонлар, сув тўлиб оқиб ётган шарқона ариқлари болалар мириқиб чўмилётган мовий кўллар қаламбизини ифтихорга чўлгади. Бу каби ободончилик ишлари юртимизнинг асл шарқона қиёфасини намойён этаётган истиқлолимиз шафратидадир.

Шуларни ўйлаб, Миллий боғимизни кезар эканман, боғнинг турфа дарвозаларидан кириб келишадган, бир-бирларини суратга тушираётган ёш йигит-қизларга, тетапо фарзандларини қўлидан тутганча боғ сайрига чиққан бахтиёр ота-оналарга, гоҳо набираси билан сайр қилаётган отахонун онахонларга кўзим тушди.

Улар шарқона хиёбонларнинг гўзаллигидан бир севинишса, Алишер Навоийдек буюк аждоғимиз номидаги боғнинг миллатни

ўрганиб қолаётгани афсуслантиради. Бугун болалигида шу манзарани кўрган фарзандларимиз, эртага каттарганда бундай гўзалликка ярашмаган қурурлар олди-дан ажабланмасдан, бепарвур ўтаётган бўлишга нима дейсиз? Бу, энг аввало, мана шу мизрағ қалбларга ўзимиздан ёмон одатларни мерос қилиб қолдирмаслигимиз керак. Шунинг учун зийратгоҳ ва обод жойлар ҳаммиса тоза ва озода бўлиши зарурлигини ўйлашимиз зарур.

Хўш, қандай қилсак, бунга эришиш, ахлоқини тузатиш мумкин? Бунинг механизмининг ҳам ўзимча йўлаб кўйдим. Масалан, айтайлик, Миллий боғимиздаги Алишер Навоий ҳайкали ёхуд «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги каби боғ-мейвора-чилик соҳасида барпо этилган хиёбонлар у жойларга тайин этилган махсус хизматчилардан ташқари шу атрофдаги мактаб ва коллежлар ёки олий ўқув юрталарининг қўйи босқич талабаларига ҳам бирктичиб қўйилса. Улар навбатли билан муайян вақт оралиғида шу хиёбонларнинг саришталлигига кўз-қулқ бўлиб туришса, айрим тозалик ва экология заруратини назар-посанд этмайдиганларни оғохлантириб туришса, нур устига нур бўларди. Аввало, зийратгоҳ жойларимиз ҳаммиса тоза ва озода бўлади, қолаверса, шу ишга жалб этилганларнинг ҳам, бу жойларни келиб кўраётганларнинг ҳам экологик савияси ўсиб боради. Энг муҳими, ёш болаларимизга яхши ибрат берган бўламиз. Мурғаклигидан уларнинг экологик саводи шаклланишига шароит яратган бўламиз.

Мени, айтқанимча, ота-оналарни етағида боғни сайр этаётган ёш болаларнинг кўзи мана шундай манзарарга

Садоқат БЕШИМОВА,
УзМУ журналистика
факультети талабаси

Ҳар бир миллат ўз менталитети, дунёқараши ва жўгрофий жойлашувига қараб жаҳонда ўзига хос ихтимойий-сиёсий ва иқтисодий мавқе эгаллайди. Масалан, худуди тўғридан-тўғри океанга туташган Япония уч мингдан ортиқ ороллардан ташкил топган. У табийй ер ости ресурсларининг 98 фоизини импорт қилади. Фақат шולי етиштириб, унинг озгина қисмини экспорт қила олади, ҳолос. Шу боис японлар ақлий меҳнат самараларига кўпроқ кўз тикадилар. Бу ҳолат Японияни компютерлашган техника ишлаб чиқариш ва самарали технологиялар яратиш бўйича энг тараққий этган давлатлар даражасига олиб чиқди. Бугун ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича Япония АҚШ ва Хитойдан кейин учинчи ўринда туради.



Фарбий Европа мамлакатлари Иккинчи жаҳон урушидан сўнг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан АҚШга боғлиқ бўлиб қолган эди. АҚШ 1947 йили «Маршалл режаси» асосида Фарбий Европа давлатлари иқтисодини тиклаш учун 17 млрд. доллар ажратган. Унинг яримдан кўпини Буюк Британия, Франция ва Фарбий Германия фойдаланади. Фарбий Германия канцлери Л.Эрхард тоталитар буйруқли иқтисодиётдан воз кечиб, «шоқовая терапия» деб ном олган ислохотларни жорий этади. У иқтисодий қайта қуришни асосий ричани эркин шахсий ташаббус ва рақобатни ҳўжалик ҳаёти билан боғлиқ ҳолда олиб боришда кўради. Иқтисодий реформа пул сиваси, эркин нарх ва эркин капиталистик фаолиятга қаратилади. Эрхард эркин рақобатни туширувчи монополияни, бозорда ҳўқорон бўлишга интилаётганларни мажбурий равишда қечқайди.

Тўғри, бундай тараққийнинг моҳияти ҳўсусида турли қараш ва баҳолар мавжуд. Лекин, шунинг аниқ айтиш мумкинки, бу мамлакатлар аҳолисининг ўз миллатига бўлган меҳри бениҳоя баланд. Ҳўқумат эса ислохотлар ривожини учун шароит яратди, ҳолос. Биз ҳам, тарихий ва маънавий жиҳатдан, қолаверса жўрофий жойлашши жиҳатидан ҳеч бир давлатдан кам эмасмиз. Президентимиз таъкидлаганидек, «**республикада ҳамма нарса: табийй бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салохат мавжуд. Энг муҳими — бу дийрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.**»

Демак, биз ҳам бошқалар ютуғига ҳавас билан боқиб кўя қолмасдан, Юртбошимиз даъватига жаован, буюк келажақ сари янада илдам қадам ташлашимиз мумкин. Бунда бизга иқтисодиёт тараққийида доир янги гога волейхаларни ҳаётга жорий этишни жадаллатиш нийҳоятда кўл келади. Бу эса иқтисодиёт пайдоверини мустаҳкамлаш, бу йўлда сафарбар этаётган куч-ғайрат-

ларимиз янада самарали бўлишни таъминлайди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ёшлар эртанги кунни ҳаракатлантирувчи кўчидир. Ҳар бир ёш эркин ва мустақил фикрга эга бўлиши билан бирга, у яратувчи ҳам бўлмоғи лозим. Талаба сифатида шунинг айтмоқчиманки, ҳозир ёшлар учун, уларнинг илм олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Энди уларнинг ёшлик ғайрати ва имкониятлари,

англик яратишга мойиллик туйғусини мамлакат раванқи учун тез самара берадиган соҳаларга йўналтириш зарур.

Мен таъкиф этмоқчи бўлаётган масала бир қарашда нақадар оддий бўлиб туюлмасин, у давлат ва жамият нуқта-назаридан катта аҳамиятга молик. Мен бу ўринда олий ўқув юрталарининг иқтисодиёт билан бевосита муносабатларини шакллантиришни назарда тутишдан ман. Чунки уларда мамлакат иқтисодиётини нийҳоятда жадаллаштириб юборувчи катта имконият мавжуд. Бу улардаги мавжуд илмий потенциал ҳамда талабаларнинг шу чоққача фойдаланилиб келаётган ёшликка хос жазоратга йўрилган куч-ғайратидир. Ҳозир олий ўқув юрталаридаги илм, айрим истисноларни ҳисобга олганда, асосан назарий масалалар билан чегараланиб қолган. Уларда иқтисодиёт риважига билан боғлиқ яратувчилик ишлари билан кам шуғулланилади. Шу сабабли тандиркорлик субъектлари ва талабалар ўртасида муносабат йўлга қўйилмаган. Талабаларнинг амалиётни илмий иш билан боғлаб олиб боришлари кўнгилдагидек эмас. Айни шу масалада олий ўқув юрталари билан мустақам ҳамкорлик йўлга қўйилса, кичик бизнеснинг жиддий ривожини учун катта шароит яратган бўлур эдик.

Таъкифимнинг моҳияти университетларни тадбиркорлар учун ҳам амалиёт ўчоғига айлантиришни кўзда тутаяди. Маълумки, ҳозир университетларда талабаларга илмий иш, курс иши, диплом ишлари топширилади. Биз талабалар амалда бир неча йил аввалги маълумотлар билан ишлаймиш, олинган

тайёр ишларни кўриб чиқамиз, ҳолос. Аммо, айнан бугун мавжуд бўлган иқтисодий жараёнлар ичига кирмаймиш, қиролмаймиш ҳам. Натихада, мавжуд статистик кўрсаткичлар асосида ўтилган амалиётнинг, ортирилган тажрибаларнинг ҳаётдаги самараси мутлақо сезилмайди. Бу ўринда ҳақиқий ҳаётдагидек қилиб ўрганилмаган, эътибордан соқит қилинган кичик бир масала ҳам кейинчалик амалий иш жараёнларида катта муаммо туддириши мумкин.

Президентимиз алоҳида таъкидлаганларидек, **ислохотлар инсон манфаатларига мос келган, унинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга ёрдам берган, турмуш даражасини оширишга қаратилган тақдирдагина аҳамиятга бўлишини ҳаммиса ёдда тутмоғимиз керак.** Олий таълим даргоҳларининг тадбиркорлар учун амалиёт ўчоғига айлантирилиши (бу — гоямизнинг асосий қисми) иқтисодиёт-

МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТИШГА ҚОДИР ХАЛҚМИЗ

Мен юртимизга ташқаридан импорт қилинаётган маҳсулотлар ўрнини босувчи сифатли арқонлар ишлаб чиқариб, ички бозор эҳтиёжини таъминламоқчиман, дейлик. Тадбиркор сифатида дастлаб ўз лойиҳам билан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига келаман. Вазирликнинг инновация билан шуғулланувчи бўлими лойиҳамни (уни бизнес-режа деб аташ ҳам бўлади) кўриб чиқиб, лозим топса, уни амалга ошириш жараёнида қатнашиши мумкин бўлган олий ўқув юрталарига тақсимлаб беради.

Шундан сўнг мавзу доирасида илмий-амалий конференция ўтказилади. Унга тегишли олий ўқув даргоҳларидан экспертлар жалб қилиниб, тадбиркор ўз бизнес-режаси тақдимотини ўтказаяди. Экспертлар режани муҳокама қилиб, ўз вазифаларини бўлишиб олишади. Тадбиркор бу жараёнларнинг барчасида қатнашиш ҳўқуқига эга, ҳар бир эксперт билан шахсан фикр алмашиши мумкин. Лойиҳа механизмининг қайта ишлаб чиқиши техника ва технологиялар институти ўз зиммасига олади. У усуканинг ишлаш тизими, механикаси, макетини ишлаб чиқариши. Роботлаштириш эса компютер-технологиялари институтига юклатилади.

Ишлаб чиқариладиган товарга талаб, унинг одамлар дидига мослиги, ички ва ташқи бозордаги баҳоси каби барча иқтисодий ҳисоб-китобларни ишлаб чиқиб, янги маҳсулотнинг логотипи ва бизнес-режа асосида бозорда тутиши мумкин бўлган ўрнини аниқлаш иқти-

Навоийни англамас экан, ҳаётнинг маънисини ҳам англамай ўтади.

— Нега энди, Навоийни билмасдан ҳам яшаш мумкин, — дея эътироз билдиради Қарши Давлат университети талабаси Рамазон Қурбанов.

— Масалан, кимдир ҳаётини машинаси тасаввур қилолмайди, кимдир эса унга умуман қизиқмайди. Навоий асарларини ўрганиш масаласи ҳам менимча шундай. Ўрганиш қизиқарли, бироқ

фантазия фақатгина мумтоз адабиёт намоёндаларининг асарларини ўқиш орқали сайқал топади.

Адабиёт муаллими Навоийни ўша жўн тушутириганидан сўнг албатта ўқувчилар ҳазрат Навоийнинг кўнгил дарёсидан бебаҳра қолади. Шундай бўлғач, унинг ўрнини, яъни ўқувчи қалбидаги маънавий бўшлиқни бошқа дарёлар, масалан ўта саёз кўшклар, жўн шеърлар, алмойи-жалмойи китоблар, хориж сериаллари тўлдирди.

Демак, ҳазрат Навоий меросини ўрганмоқ учун биз теран билим ва малакага эга бўлмоғимиз зарур. Қачонки, ҳар биримиз ўз ишимизга ҳам ижодкорона, ҳам масъулият билан ёндашадиган бўлсак, жамият ривожини жадаллашадим. Агар бунга эришмасак, давлатларимиз самара бермайди, балки ёшларни беэҳтиёр қилиб қўлади. Мана айрим мисоллар: бизни қомил инсон даражасига кўтариши мумкин бўлган буюк бобокалонимизнинг ўлмас меросини бугунги ёшлар қай даражада ўрганмоқчи?

— Тўрт йилдан бери шу ерда ўқийман, аммо Навоийни англашга интиладиган, ижодининг чинакам шайдоси

бўлган талабани деярли учратмадим, — дейди талаба Моҳичебра Норқуллова.

Тўғриси айтганда, бу қизнинг айтганлари мени аниқини ўйлатиб қўйди. Эҳтимол, у янглишадигандир? Мутахассислиги мумтоз адабиётимизга бевосита алоқадор талабаларки буюк шoirимизнинг шундай ўрганаётган бўлса, бошқалардан нимани умид қилиш мумкин? Ҳазрат Навоийнинг асарларидан бебаҳралик ёшлар маънавий

даи қилиш керакки, ёшлар Навоий газалларини ўқиб-ўрганишга, моҳиятини англашга ўзларида маънавий эҳтиёж сезсин.

Бунга эришмоқ учун эса, аввало, Алишер Навоий асарларининг янги изохли луғати нашрини тезлаштириш, бу луғат ҳар бир ўзбек кишининг уйда бўлишига эришмоқ, Алишер Навоий газалларини уларнинг шарҳлари билан биргаликда чоп этиш нийҳоятда зарур. Бундай китоблар иҳчам ва қулай шаклларда, катта тиражларда, чиройли ва совгабоп қилиб чоп этилиши керак. Ана шунда ҳар бир ўзбекининг уйда ҳазрат Навоийнинг барҳаёт руҳи яшайди: сабоқ беради, кўнгилларга нур улайди, маънавий камолотга бошлайди.

«Биз кўп нарса биламиз, озгинасини тушунамиз, янада озгинасига амал қилмаймиз». Бу бир файласуфнинг гаплари. Дарҳақиқат, биз қачонки, билган ва тушунган ҳақиқатларимизга амал қилсак, кутилган самарга эришамиз. Шундангина буюк бобокалонимиз илгари сурган инсоний гоғлар ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чўқурроқ сингиб боради.

Юртбошимизнинг «Барча олижаноб ишларимизда Навоий гоғлари, Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳаммиса ҳамроҳ бўлсин» деган фикрлари ҳам бизни шунга даъват этади.

Элбек ЖУМАНОВ

НАВОЙИ ВА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ

дунёсидаги кемтиклик эмасми? Ўша кемтиклик бир кун келиб, ўзининг салбий таъсирини кўрсатмайди, деб ҳеч ким қабуллат бермайди-ку?! Шу сабабли илоҳи борича тезроқ ўша етишмовчиликни тўлдириб лозим.

— Аввало, мактаблар қошида ташкил этилаётган тўғараклар фаолиятини жонлантириш зарур, — дейди она тили ва адабиёти бўйича услубчи Азамат Раҳимов. — Иқтисодий болаларни тўллаб, буюк шoirнинг адабий меросини чўқурроқ ўқитишни йўлга қўйиш лозим. Ҳазрат Навоий асарларини ўрганиш ҳар бир йигит-қиз учун ҳаётий эҳтиёжга айланишига эришмоқда қўрқ даражасини кўнгилдагидек натижа бермайди. Шун-


қандайдир белгиларни ўрганиш жараёни бўлиб қолмай, у эстетик дидни ўстиради, мустақил ижодга йўналтиради. Болалликда ортирилган бундай билим инсонга бутун умри давомида хизмат қилади.

Дунёда хаттотликка гўзал рангтаъсир ва овозида мусиқа, шунингдек, ичросиз ракс, қурилиш материаллари ва конструкция бўлмаган мемориал санъат деб таъриф берадилар. Назаримизда бундай гўзал ёрликлар дунёда тенги йўқ. Хитой хаттотлик санъатигагина эмас, шунингдек ўзбек хаттотлик санъатига ҳам тегишли. Кўп асрлар давомида араб ёзуви асосида ривожланиб келган ўзбек хаттотлик санъати бугун ҳам жаҳонда катта маъқега эга. Бунинг таъкили исломшунос олим Ҳабилулло Солиҳнинг иштирокида йиллари хоризмда бўлиб ўтган хаттотлик санъатига доир

ХАТТОТЛИК — ЁЗУВ АСОСИ

ифодалаш ҳақиқатан ҳам мўъжизавий санъат экани иероглифлар мисолида яқин кўзга ташланади. Турли давлатларнинг хаттотлари ўз санъатларини намоийиш этадиган халқор кўргазмалар ташкил этилиши ҳам бежиз эмас.

Дунё хаттотлигида Хитой хаттотлик санъатининг алоҳида ўрни ва маъқе бор. Хитойликларнинг ноёб ёзувлари юртимизда ўқув юрталарида кўриб чиқилиши мумкин. Хитойликларнинг ноёб ёзувлари юртимизда кўриб чиқилиши мумкин. Хитойликларнинг ноёб ёзувлари юртимизда кўриб чиқилиши мумкин.



ти хитой филологияси кафедрани мудири Лола Султонова. — Хитой тилининг ўзини ҳам, ёзувини ҳам ўзлаштириш нийҳоятда қийинлигига қарамай, талабаларимиз қизиқиб шуғулланмоқдалар. Хитой ўқув юрталарининг педагоглари бизнинг ишларимизни яхши баҳолаётганларидан хурсандимиз. Санъатнинг бошқа турлари қатори хаттотлик ҳам халқларни бириктирувчи дўстлик риштаси эканини айтмоқчиман. Хитойда бўлган одам бу юртнинг қундалик ҳаётига хаттотлик санъати нақадар сингиб кетганининг гувоҳи бўлади.

Хаттотлик шундай санъатки, ҳар қандай бола қўлига қалам тутган чоғиданоқ уни ўрганиши кирди-иш и мумкин. Ёзув фақат

Ушбу саҳифа Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликлари кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ажратилган грант асосида тайёрланди.

Лойиҳа номи: «Истеъдодли ижодкор ёшлар маҳоратини ошириш, ОАВ учун малакали кадрлар етказиб бериш орқали уларнинг мамлакат ихтимойий-сиёсий ва маданий маърифий ҳаётдаги иштирокини янада фаоллаштириш».

содиёт университетига юкланади. Архитектура университетини талабалари цехнинг жойлашув ўрнини белгилаш, бино ва усукна дизайни, маҳсулотнинг идиши ва ўраш жиҳозларини яратиш билан, ахборот ва технологиялар университети эса реклама билан шуғулланади.

Яна биз инобатга олганамиз бошқа жиҳатлар ҳам тегишли олий ўқув даргоҳларига тақсимланади. Кўриб турганимиздек, бу лойиҳани рўёбга чиқариш жараёни биргина тадбиркор томонидан эмас, балки бир неча олий ўқув даргоҳлари иштирокида амалга ошаётган. Таъкидлаш лозимки, бу лойиҳа ҳар бир ўқув юрти талабалари учун ўз навбатида ҳам илмий иш, ҳам диплом ишларига мавзу бўлади. Талабалар бу илмий ишни фақат қозоғидина эмас, амалда ҳам бажаришадим, шу жараёнда шахсан иштирок этиб, ўз яратувчилик маҳоратини намоийиш ҳам қилишади. Лойиҳада иштирок этаётган ўқув юрталарининг талаба ва мутахассислари мақсадга эришгунарига қадар ўзаро фикрлашиб, ҳамжиҳатликда иш олий борадилар.

Шу ўринда «бу ишларни ким маблағ билан таъминлайди», деган савол келиб чиқаяди. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги экспертлари томонидан саралаб олинган, уларнинг ҳўсулоси асосида катта фойда бериши аниқ қилиниб турган лойиҳаларни ҳаётга татиқ этиш учун олий ўқув юрталари муайян даражада ўз жамгармасига эга бўлиши зарур. Жамгарма ўз фаолиятини нисбатан арзонроқ, фойда бериши нақд қилиниб турган ва кичикроқ лойиҳаларни маблағ билан таъминлашдан бошлаши мумкин. Лойиҳаларни амалга ошириш қийматини баҳолаш бўйича экспертлар гуруҳи (бу бўғини олий ўқув юрти ўз ташкил этади) томонидан у ёки бу гога-лоийҳанинг ҳақиқий қиймати, уни амалга ошириш муддати, харажати қай йўсинда қоллаш шартлари ва лойиҳани амалга оширишдан келадиган нақд фойда микдори аниқланади. Айттайлик, экспертлар гуруҳи томонидан ижобий баҳо олган янги лойиҳани амалиётга жорий этиш учун ўз миллион сўм маблағ зарур бўлсин. Олий ўқув юртининг махсус жамгармасидан шунча маблағ ажратилишидан олдин шунча тенг микдорда акция чиқарилади.

Акциянинг бир қисмининг лойиҳа муаллифлари ёки муаллифлари, гога-лоийҳаларни амалга ошириш бўйича кооперацияга кирган олий ўқув юрталари ҳамда асосий маблағ билан таъминловчи олий ўқув юрти олиши мумкин. Лойиҳа амалга ошганидан сўнг уни маб-

лағ билан таъминлаган олий ўқув юрти жамгармаси янги тушувлар, акция дивидендлари орқали янада бойийди. Бу жамгарма янада катта-катта даромад берадиган лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш имконига эга бўлиб бораверади.

Энди олий ўқув даргоҳлари бу лойиҳага киритиладиган сармоғига қелсак, улар бундан даромад кўра-

ди. Биз ҳозир университетларни гога эгасига имтиёзли кредит беради, десак ҳам бўларди. Лекин бунда лойиҳаларнинг ҳаётга жорий этилиш жараёни шу ўқув даргоҳларининг илмий потенциалдан фойдаланилган ҳолда амалга оширилиши, ишнинг юксак сифат билан бажарилишидан улар ҳам манфаатдорлиги ва шунга яратувчилик туйғуси бош омил бўлиши эътибордан соқит қилинган бўлур эди.

Бу жараён тўқис ишга тушганидан сўнг бирор иxtиpochи ёки тадбиркор ўз режасини амалга оширишда олимларимиз, фан-техника салохиятидан фойдаланишда мазкур университетларга беомалол мурожаат қила оладиган бўлади. Айттайлик, турли мақсадларга мўлжалланган янги трактор ва машина-механизмлар, тақомиллашган усукналар, учини апаратуралари, самарали технологиялар, умуман кашфиёт, яратувчилик билан боғлиқ барча жараёнларда мана шундай ҳамкорлик зарур бўлади.

Натижада олий ўқув юрталарининг жамият ҳаётдаги маъқе янада кўтарилди. Илмий потенциал самарали ишлаб бошлайди. Шу йўл билан амалга оширилиб, ҳаётга татиқ этилган гога-лоийҳадан бутун жамият, мамлакат катта манфаат кўради. Бу жараён илмий тафаккурга қанот беради. Лойиҳаларнинг эскириб қетмаслиги олдини олади, уларнинг самарадорлигини кучайтиради.

Хоразмий ва Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Синолар, Мирзо Улугбеклар воқисси бўлган юртдошларимиз хали ўз тафаккури билан жаҳонни қойил қолдираш мўъжизалар яратишга қодир. Бунинг учун туғилажак ҳар бир гога билан уни амалга ошириш имконини берадиган шароит орасидаги масофа у қадар узок бўлмаслиги керак.

Биз илгари сураётган таъкиф халқимизнинг бунёдкорлик салохиятини тўқис даражада рўёбга чиқаришни, илмий тафаккуримизга кенг қанот бағишлайди, деб ўйлаймиш.

Шоҳруҳ ХАСАНОВ,
Тошкент давлат иқтисодий университети халқор иқтисодий муносабатлар факультети талабаси

Ўроз ХАЙДАР



ОТАМ ЎГИТИ

Отам уруш кўрган одам, Урушдан гап очмаган сира. Бирок қайсар, чўрткесар эди, Тулурган тулурган қайта ютмаган. У мабодо, койинса дерди: — Йиғштириб юринлар ўзларингизни, Тузгизган одамнинг ҳаёти тўзғир, Юз йилда тартибга солиб бўлмайдим. Энам эса урчук йиғирганча дер: — Сиз ҳам ота-да, а? Болалар бошини силай билмайсиз. Отам-чи пичирлаб дерди ўшанда: — Худойи маслиҳатини улар бошини, Ердан намат тиккан одамдод учун. Меҳрига йўрғаклар оғир кунда, Уша наматиди яратиб риза-рўз. Баюқасининг қўли елгиғич ҳолос, Асорат қолдиран бахшида бошда. Энам тумшайганча урчук йиғириб, Узича кўлдирар гина аралаш: — Дунёни сахро деб ўйларкан, тавба, Сахрои одам. Болалар эртаси Сизга қоронгу, Улар орзуидан варрак ўйнайсиз, Чиллақда отасиз келажаксини. Отам маънос тортар, хўрсинар узоқ, Хайдан дуога қўл очар инжиб: — Фарзандларим эркин бир бор бўмайдим, Менинг эркимдан-да ҳур бўлиши дедим. Кар ва соқов бўлмалиги-чун Кўлагига пахта тикмайдим, Тилига тош осмайдим, хотини. Кўнгли қилин қўймайдим, Юраги парвозга шай турсин дедим. Орузин қаноти қирқилган бола

Парвоз қилмайди юз йил кейин ҳам. Пул — тирноқнинг қири, ювса кетади, Пул бамисли барғизхондир, Хар қимнинг боғида тўзиши мумкин. Хафа бўлма, хотин, болаларимга Мендан ёлғиз мерос — Эрк бўлади, ҳолос. Хар жойда сочилиб юрмасин дейман, Мерганга нишондир тўзгизган одам. Тўрт тарафдан қўши чиқажак, агар Одам Узини йиғштириб олган кун, албат!

ОРЗУ

Паричехра аёлинг бўлса, Муз эртаси табассумидан. Қиқирласа гуллар, у кулса, Кўшга дўнса илон имшдан. Вақт тўхтаса қош чимирганда, Жерқанида силқимаса Ер. Қўзлари жим отанда ханона, Кипригидан томса шаффоф шеър. Пиёлада чой узатган чоғ, Офтоб қўнса чойига унинг. Чорловидан солиб қалдириқ, Тоғ тўзи чўкса пойига унинг. Ич-ичиндан ҳайқирсанг завқдан, «Менинг шундай бор деб фаритам». Бир умрга кутулсанг сунгера Аёл ҳақда ҳаёл суришдан.

Мен мағлубман, ҳеч бир жангсиз енгилдим, Бир юрт каби сенинг измингдадирман. Исмимдан исмиمنى гул каби юлдим, Энди мен йўқдирман, исмингдадирман.

Энди йўлим сўнги сен сари йўлдир, Исеим ибодат, нафратим-чи ишқ. Ажабо, тиканда узганим гулдир, Бўзимса қадалган тиг эмас, қўшиқ.

Кўксимга гул осма, оёққа кишан, Илон-ихтиёрим измингда, ахир. Нишонга оломас ҳеч нарса, ишон, Сен билан тугайди сафарим охир.

Мабодо, мен ўлсам, сен шунда десанг:

«Чўчиюган нарсам қолмади менинг». Озод бир асирдай ўзинг хур сезсанг, «Энди кўркмайман», деб қасам ичсанг сўнж. Нима ўзгарарди, қўш қилт этмас, Дарахтга ўзини осмайди осмон. Биронта дев бошин узиб итқитмас, Дарё ташлаб кетмас ўзининг ҳеч он. Вақт тишини қайраб ҳамишағидай Кўксига мушт уриб йўл бошлар яна. Мен томонда Қувонч титрайди симдай, Сен томонда Қўркув қилур тантана.

Менга йўллаялсан келиб хушигга Қалтираб ёзганча қорахатинини. Майлига йўзқола энди тушинга, Улмай туриб ўлган муҳаббатимини.

БАХТНИНГ ДАЛЛОЛИ

Нимани йўқотдинг йўқотмай туриб, Жабр чеккандайсан ҳеч жабр чекмай. Хайдан тўр ташлаб эртаса, ҳа деб Мўла ҳосил кутмасан бир экин экмай. Узгалар бахтидан очғунг тагин фол, Бахтсизлик чекига тикиб бахтини. Шунчалар шўртмағми сен кучган иқбол, Бардошинг кўзлари кетди-ку тиниб. Бозор йўқ, Мижоз йўқ, Лек бозордасан, Сен бугун бахтининг-да ёлғиз даллоли. Бахт деганинг анқо бўлса-да, лекин Қарта очмай туриб бахт тугар фолинг.

Бугун Сизни йиғлатгим келди, Бошқасиз бугун негадир. Ўн уч ёшли қизалоқ каби Қиқирлайди қўши бешидир. Эси оғиб қолган дунёнинг Ҳомўзаси илқ негадир. Мендан бошқа, ваҳ атманг, нечун, Бугун ҳамма Сизга эгадир. Соҳинизга ўйноқи шамол Жимжиғоғи ила тесадиб. Қўзимдан ёш қўйилар, Сизни Йиғлатмоқчи бўлсам негадир. Узага эга чиқса Севингизга Юрак увсан фарёд чекадир. Сизни севаган ёлғиз менманку, Нега ҳамма Сизга эгадир?!

Ғазетхон илҳами

Олам ёш келинчақдай, Сўқлаиб боқар офтоб. Йўлига камалақдан Поёндоз тўшар шу тоб.

Боғларни бошга тутиб, Қумрилар қилар «чак-чак». Ариқ бўйларини қоплар Отқулоқ, ялғиз, жағ-жағ.

Қизлар хусни ўзгача, Қошларга тортган ўсма. Қип-қизил олов қирлар Белида қумуш тасма.

Тирикликдан нишона, Гимнлар кўрт-қумурсқа. Чақмоқ ёниб, ўчғудай, Қўклям ганимат, қисқа.

Муҳайё МИРСАИДОВА



Кўзларингда порлаган жоду, Сингмоқда нур бўлиб менга. Шундай нури, қўш нури ҳам Ёркиликда тенг келмас унга.

Ёғду сочиб турувчи бетин Кўзларингга мен боқаман жим. Улар сирли оламдан сўзлар, Яйраб кетар беором дилим.

Чорлаб қалбим асир айлаган, Кўзларингдан ёғилган ёғду. Завку шавққа солар гоҳида, Бахт учқуну эмасмикан у...

Орзулар қилибман осмонлар қадар, Дилиمنى умидга сарафроз айлаб.

МУАЛЛИМЛАР ХИДОМАТЛАРИДА ШУЛАДИ ДУНЁ

Дўстни дўст билибман имконлар қадар, Жонимни пойига поёндоз айлаб.

Ҳаммага худодан умр тиладим, Мен сабр тиладим ўзимга, сабр. Қўнғича тескари келди тилагим, Мукофот ўрнига топганим жабр.

Бойлик деб тошмадим, Йўл деб шошмадим. Оқомлар инграндим Ёғур нур излаб, Ҳаққа йўл кўрсатди Қуръони Карим. Сафарга отландим шафоат излаб...

ҚАЛБИМ

Қўш нурларидан калава ясаб, Бир учин дилимга маҳкам боғладим. Кенгликлар чорлайди бутун вожаб, Мен-чи, чўққиларга йўлим чоғладим.

Чўққилар барқарор, чўққилар юксак, Минг наво қўшлар навога бунда. Юрагим тоғларга очаман, демак, Дил ипин бир учин сақлайман шунда.

Қўшга яқиндир чўққилар, тоғлар, Дил ипи сержаранг, ҳислар ҳам сара.

Ва ёлғиз сўқмоқ йўл изим сўроқлар, Уртада Қалб номли буюк бир дара!

МАНЗАРА

Мўйқаламми, юрак қўлимда, Чечак отар боғлар йўлимга. Қоғозларим гулга тўлади, Чизганларим Ҳайрат бўлади...

Чекинаман, қарайман қулиб, Нарғиз турар севганим бўлиб. Димоғимга бўйи урилар, Лазиз севги бўлиб туюлар.

Аста-аста чайқалади сув, Мен қарайман, кўринмас сулув. Кўзларимни юмиб қоламан, Хайлотта, ўйга толаман...

Ул дилрабо юз очар шу зум, Ва бекитар шошқилич юзин. Бир чехраки шундай пурзиё, Ўзбекистон қўши гуё.

...Мужгонларим сўнг аста очиб, Қоғозларга қўнғилими сочиб, Гуллар узра қалам тортаман, Аччиқ-аччиқ алам тортаман.

Нур қай рангда чизилар ахир?..

Эргаш бобом сафдошларин Эсласам дил қонади Раҳматулла Юсуф десам, Қалб қувончдан ёнади.

Илмий-маърифий йиғинда Эргаш шoir ижоди ва достонлари ҳақида фолклоршунослар Т.Мирзоев ва Ш.Турдимов маъруза қилдилар. Туркиялик олим Эмек Ушенмезнинг чиқши йиғилганларда яла тасассур қолдирди. Шoir ва олимларнинг сўзларига туман фолклор-этнографик дастасининг ҳамда спорт мактаби ўқувчиларининг чиқшлари улаиб кетди. Қўрғон қишлоғида, Эргаш шoir боғидаги тадбир чоғида шу элнинг машҳур бир гапни эсладик. Айтишларича, «Қўрғоннинг қудуғидан сув ичган киши шoir бўлмай қолмайди». Дарҳақиқат, маънавий сарчашманинг ҳосилалари бугунги кунда китоблар шаклида авлодлар ёдида воқе бўлаётир. Улардан бахралаётган ёшлар айна ҳазинанин эгасига айлиб, уни янада қувватлантиришига ишонганим комил. Эргаш шoir боғида ўтган хотира тантанаси бизга шундай неқбин ишончи берди.

Шомирза ТУРДИМОВ

Равшан ИСОҚОВ



БОЙЧЕЧАГИМ

Сенга тегар ё тегмас қўлим, Қор қўйида гуллайсан сўлим. Йўлларимда нигорон синглим — бойчечагим — уч қулиқ гулим.

Писанд эмас шамол, изғирин, Ору бўлиб унасан ширин. Жим тинглайсан қалбар шивирин, Бойчечагим — уч қулиқ гулим.

Қир-адирда ёнасан чўгдай, Кўриб кўнглиг ўсади тоғдай. Дунёда сен ё бору йўқдай, Бойчечагим — уч қулиқ гулим.

Гарчи умринг шу қадар қисқа, Яшнатасан жон бериб қишга. Тулдирасан қалбларни ишққа, Бойчечагим — уч қулиқ гулим.

Қани сендай мағрур янасам, Розин эдим сенга ўхшасам. Сен ҳар баҳор ўша-ўхшасан, Бойчечагим — уч қулиқ гулим.

КЎКЛЯМ

Шамол кўк юзин тўсган Булутларни қамчилар, Кўкломой қўйлагини Қалдирғочлар қайчилар.

Японлар даражасида Шарку Ғарбини ўзида бирлаштирган бошқа бир халқни билмадим...

Болажонлик, эрига пойгада ўтирган аёлнинг эҳтироми, кўчмаи-бозорми таниш-нотаниш юзма-юз келганда таъзим қилиш, боғлар, гулларга шайдолик. Бу — бир томон. Иккинчи томон — жаҳондаги тараққийнинг олд қаторида туриб, соат санаш эмас, ҳар бир дақиқани ҳисобга олиш, аниқ режа билан ишлаш, яшаш. Бир гал япон расмий кишилари билан учраганимда, улар суҳбат ўн беш дақиқа давом этади, деб огоҳлантиришди. Келганимда ниҳоятда хушмуомала қаршилашди. Дарҳол ширин заъфар чой келтиришди. Лекин ўн беш дақиқага яқин борганда, барчаларни тарадуддунлиб соатларига қарай бошлашди.

Япон адабиётида, мана шу «икки томон»ни бирлаштирган инсон фабиати, қандайдир «янгилик қолган» минг йиллик фалсафа кўзга ташланади. Айрим асарларда эҳтирос (ҳатто сентиментал ҳолат) кучли бўлса, айримларида яланғоч аёвсизлик (натурализм, деймизми) кенг ўрин тутайди. Япон адабиёти намуналари баъзан менга тош теккан ойнани эслатади. Гоҳ кайфиятга, гоҳ рассомдек тасвирга эътибор берилишини кузатганман.

Бизда япон насри вакиллари Рюноске Акутагава ҳамда Кабо Абэ асарлари кўпроқ шуҳрат топган. Акутагава катта бир романга сиймайди тасаввурни кичик бир ҳикояга жойлаштира оладиган маҳоратли адиб. Умуман, уни «бошқа япон адабларидан ажралиб турадиган, алоҳида орол», дейишган. Шу тўғри бўлса керак.

Баъзи ҳикояларини қайта-қайта ўқисангиз, янги бир маъно топаверасиз.

Омон МУХТОР

1 Кунларнинг бирида Будда жаннат ҳовузининг бўйида танҳо кезиб юрарди. Ҳовуз юзаси марвариддек оқ нилуфарлар билан қопланган, уларнинг «улқосаларидан чор атрафга зариф ва муаттар бўй таралар эди.

Жаннатда тонг палласи эди. Хайлар оғушига чўмган Будда тўхтади-ю, кўзи бирдан нилуфар гулларининг энли апроқлари аро жилваланаётган сув ойинасига тўшди. Нилуфар ҳовузининг тубида галати манзара намоён эди.

Жаннат ҳовузининг чуқурлиги дўзахгача бориб етганди. Шаффоф сувда Игна тоғи ва Сандуз дарёси худди заррабин кўзачасидедек, яққол, очик-ойдин кўриниб турарди.

Тубсиз дўзах осий бандалар билан тўлиб-тошганди. Будданинг нигоҳи Қандата исмли бир осийга тўшди.

Кандата ашаддий қароқчилардан эди. Қарантки, жуда кўплаб қабиҳликлар қилган — ўлдирган, талаган, одамларнинг хонумонини кўлдирган шу банданинг номаъомолида ҳам биттагина хайрли иш бор экан.

Кунлардан бир кун Қандата ўрмон оралаб юрганида устида пилдираб кетаётган ўргимчакка кўзи тўшди. Қандата уни бошичун учун оёғини кўтарди-ю, ўйлаиб қолди: «Йўқ, кичик бўлса ҳам, барбир тирек жонзот-ку. Бексрдан-бекорга ўлдириб савоб топмайман».

Ўргимчакка тегмайди. Дўзах тасвирларини томоша қиларкан, Будда қароқчи Қандатанинг ўргимчакка раҳм қилганини орасидан сувга туширди. Тола эшила-чўзила, ахирри дўзах тубига етиб борди.

2 Кандата дўзах тубидаги Қон қўлида бошқа гуноҳкорлар қатори гоҳ юқорига сузиб, гоҳ гирдобга чўкиб, аянчи қийноқларга чидашга мажбур эди.

Қаёққа боқманг, ҳаммаёқни зим-зиё қорнгулик қамраб олган. Гоҳи-гоҳида нимадир қорнгуликда милт-милт ёришиб кўринарди, ҳолос. Бу — дахшатли Игна тоғининг игналари эди. Мазкур кўришининг бутун дунё шитини тасвирлашга суза топши амримаҳол. Атраф гўё қабиҳат тондагидек жимжит. Фақат орасида осийларнинг унсиз хўрсиниши қулоққа чалинади.

ни эслаб, иложини топса, биргина шу хайрли иши учун бу осий бандани дўзах чангалидан кутқармоқчи бўлади. Тасодифни қарантки, шу пайт ёнида жаннат ўргимчагини қўриб қолди. Ўргимчакдан чиққан ахойиб қумуш тола яшма тошларидек ям-яшил нилуфар апрога илнар эди.

Будда эҳтиёткорлик билан тола қўлга олиб, унинг бир учини марвариддек оқ нилуфарлар гуноҳкор бандаларнинг инграшу оқ-воҳ қилишга ҳам мажоллари қолмаган эди.


Қон қўлининг қонида чўмилиб нафаси қайтаётган буюк қароқчи Қандата ҳам жони узилаётган қурбақадек унсиз типирчилаб кўярди, ҳолос.

У туйқус бошини кўтариб, қон қўлининг устидаги қоронғуликка қаради. Бу

Ҳикоя

Рюноске АКУТАГАВА, (Япония)

ЎРГИМЧАК УЯСИНИНГ ТОЛАСИ



тимқора бўшлиқ аро, узоқ-узоқлардаги осмондан, Уздан заифгина ёғду таратиб, гўё бошқа гуноҳкорлар сезмасини учун эҳтиёткорона бир маромда, ўргимчак толаси тўшиб келаётган эди.

Кандата қувончдан қарасқалиб юборди. Бу толага илбини олса бас, аста-секин юқорига кўтарилар-верди. Қарабсизки, дўзах азобида Будданнинг юзи маънос тортиб, яна ўз сайрида давом этди.

Кандатанинг юрагига меҳр-шафқат тўғуси ёт эди. У қандай қилиб бўлса ҳам фақат ўзим жаҳаннамдан қутулиб қолай, деган эди. Шунга яраша жазосини олди: дўзах гирдобига итқитиб юборилди. Будда учун бу аянчили ва эзгин манзара эди.

Нилуфар қўлидаги нилуфарлар эса буларнинг барига бепарво эдилар.

Уларнинг марвариддек оппоқ косачалари Будданинг пойида оҳиста чайқаларди.

Будданинг ҳар бир одими билан нилуфарларнинг гулқосаларидан чор атрафга зариф ва муаттар бўй тараларди.

Жаннатда вақт пешинга яқинлашиб қолган эди.

Харчанд уринмасин, тоғ тепасига етиб олиш осон бўлмади.

Юқорига тирмаша-тирмаша чиқайтган Қандатани, ҳа-ҳа хатто шундай пахлавонни ҳам чарқоч өғди. Бир нафасда осмонгача чиқолмади.

Бир муддат тўхтаб, нафас ростилашдан бошқа иложи йўқ эди. У тўхтаб, ўргимчак уясининг толасида осилган дам оларкан, паस्ता, чуқур жарликка қаради.

Ҳа, Қандатанинг чирмашилари зое кетмаган экан. Хозиргина ўзи азобдан қутулган Қон қўли қоронғулик бағрига сингиб ётибди. Жаҳаннам тубида Игна йилтирайётган қўрқинчили Игна тоғининг чўқисини энди унинг оёғи остида. Агар яна шундай қароқчи билан тирмашаишда давом этса, жаҳаннам чангалидан қутулиши аниқ эди.

Ўргимчак толасини маҳкам қисган Қандата кўп йиллардан сўнг яна биринчи бор инсон овозига эга бўлди ва қаҳ-қаҳ отиб қулганича қичқирди.

— Халос бўлдим! Халос бўлдим! Аммо бирдан, паस्ता бошқа сон-саноксиз гуноҳкор бандаларнинг ҳам ўргимчак уясининг толасига тирмашиб олганларича, худди қумолилардек саф-саф бўлиб тобора баяндага ўрмалаб чиқайтганликларини кўрди.

Бу манзарадан қўрқув ва ҳайратта турган Қандатанингни кўз соққалари ўйнаб, меровларча катта очилган оғзи ёпилмай қолди.

Бу назок тила унинг ўзини эдрга тутиб турибди-ю, шунча одамни қандай кўтарарди?! Тола чирт узилса борми, унда ўзи ҳам — уйлаясизми, ўзи ҳам! — шунча азоблар билан амаллаб кўтарилиб олганда, оёғи осмондан бўлиб яна паस्ता учди-я!

У уйлар экан, осий бандалар Қон қўлининг тубидан мўрмалақдай ўрмалаб келишар эди. Юзлаб, минглаб гуноҳкорлар узун занжирдек чўзилиб, шошганларича охирига ёғду сочаётган ўргимчак уясининг толаси бўйлаб чиқшарди.

Тезроқ, тезроқ бирор тадбир қўллаши керак, бўлмаса, хозир

тола узилади-ю, жаҳаннам қаьрига учди.

Шунда Қандата бор овози билан хайқириб юборди: — Ҳо, осийлар! Бу тола меники! Сизларга ким ижозат берди? Қани, тезда паस्ता тушинглар! Паस्ता тушинглар!

Аммо, ў! Ҳа сонияда нима бўлди денг?!

Шунча вақт бус-бутун, ҳеч бир шикастсиз турган ўргимчак уясининг толаси айнан ўша Қандата илбини турган жойидан чирт этиб узилди!

У оҳ-воҳ қилишга ҳам улгурмай, чирпирак бўлиб, шамолдек қувиллаб паस्ता, қоронғулик тубига учиб кетди.

Фақат ўргимчак уяси толасининг бир кичик бўлагини, жаҳаннамнинг юлдусиз, ойсиз осмонидан ожиз шуъла таратиб осилиб турарди.

Уричадан Дилшо НУРУЛЛОХ таржимаси.

1 Масофа ўлчови.

ОЛТИМШ ЙИЛ АВВАЛГИ НАВОЙИХОНЛИК



Кўпчилик юртдошларимизга маълум, ҳазрат Навоий бобомиз таваллудининг 500 йиллиги Иккинчи жаҳон уруши даврига келган. Бу кутлуг санага Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби миллатпарвар адибларимиз, халқимиз зиёлилари қанчалик интиқлик билан ўн-ўн беш йиллаб тайёргарлик қўрган бўлмасин, 1937-1938 йиллардаги қатагонлар ва эшик қоқиб турган қаттол уруш боис бу катта тўй қўнчилиққа татимаман.

Шунга қарамай, урушдан кейинги йилларда, хусусан, улғу шoirимиз номидаги театр биноси қурилиб фойдаланишга топширилган илк кунларда Тошкентда собиқ иттифоқ кўлимидаги энг йирик навоийхонлик анжумани бўлиб ўтди. Бу воқеа олтиш йил аввал — 1948 йилнинг 21 майида бўлганди.

Ҳазрат шoirимизнинг жаҳоншумул шухрати бениҳоя юксалиғи боис махсус маърузага ҳоҳат қолмаган, собиқ иттифоқнинг турли жумҳурияларидан ташриф буюрган олтишдан ортиқ истеъдодли шoirлар иштирокидаги мушоирега эса атоқли шoir ва жамоат арбоби Николай Тихонов раислик қилганди. Турли халқларнинг пешқадам шoirлари ўша оқшом ҳазрат Навоийдан ёки Навоий бобомизга бағишланган ўз шеърларидан ўқиб, ана шу катта шеърят байрамнинг доврўига доврўқ қўшдилар.

Садриддин Айний ва Фафур Гуломдан тортиб, Ойбек, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Уйғун каби ўзбек шoirлари билан бирга Константин Симонов, Берди Кербобоев, Абулқосим Лоҳутий, Мирзо Турсунзода, Степан Шипачев, Навири Заран, Сулаймон Рустам, Собит Муқонов, Аали Тоқомбоев, Мердза Кемпе, Ҳамзат Цадаса каби улғу Навоийга буюк эҳтиром кўрсатган қардош шoirлар даврасида каминанинг ҳам борлиги қалбимга улаиб ифтихор бахш этади.

Ушанда Тошкентда бошланган тўй тантаналари кўхна Самарқанд ва Бухорога ҳам кўчиб, ҳар икки шаҳар «Регистон»лари шеърят даҳоси мухлисларига тўлиб-тошганди. Бу тантаналар Зарафшон воҳасидан Фарғона водийси, ундан эса Хоразм ва Қорақўлпоғистон кенгликларига қадар акс-саддо берган.

Алишер Навоий номидаги театримиз фойдаланишга топширилиши муносабати билан ташкил этилган ушбу маросим бугунги истиқлол кунларида маънавий ҳаётимиздан муносиб ўрин олиб, халқимиз миллий гурурига гурур қўшаётган навоийхонлик тадбирларининг ўзига ҳо дебосчаси бўлгани билан ҳам қадрлидир.

Раъз БОБОЖОН, Ўзбекистон халқ шoirи

1 Масофа ўлчови.

Юртбошимиз ўзбек давлатчилиги тарихида буюк рол ўйнаган Соҳибқирон тўғрисида сўзлаб: "Амир Темури — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир", деб айтган эди. Ушбу ҳақ сўзлардан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, Амир Темури узоқ асрлар мобайнида халқимиз жанговар жасорати ва маънавий қудратининг тимсоли бўлиб келган.

1917 йил феврал воқеаларининг рўй бериши мустамлакачилик кишанлари остида эзилган халқнинг пешқадам вақилларида эрк ва ҳуррият орзуларини уйғотиб юборди. Шундай кишилардан бири Фитрат 1917 йили ўзи муҳаррирлик қилган "Хуррият" газетасининг 28 июл, 18 август, 31 октябр ва 29 декабр сонларида миллий истиқлол ғояси билан йўрналиш "Юрт қайғуси" номи туркум шеърларини эълон қилди. Шу шеърлардан бири "Темури олдинда" деган изоҳ билан берилган бўлиб, Фитрат унда Амир Темурининг барҳаёт руҳида лирик қаҳрамон номидан муножабат этиб, "Эгилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағанангдан даво излаб келдим", дейди. Сўнги юзйилликда содир бўлган воқеалар оқибатида халқ ва мамлакат бошига тушган қўрғилиқларда ўзининг ҳам гуноҳкор эканини тан олади ва, жумладан, бундай ёниқ сўзларни айтади:

"...Мен ёлғиз ёзиқларимни икром этарга эмас, Туронга бердигим зарарларни тўламоқ учун келдим, Хоқоним. Мендан нафрат этма! Эй, арслонлар арслони! Менинг ёзиқларимдан ўт, Мени қўлимни тут, Белимни боғла, мўқаддас фитангнинг бери! Сенинг дунёга соғинаган гайратингга олт ичамани, Туроннинг эски шароф ва улуглигини қайтармасдан бурун аёғларингда ўтирмасман".

Амир Темури Фитратнинг бу ва бошқа насрий шеърларида халқнинг наҳот байроғи ўлароқ гавдаланади. 1917 йилги феврал воқеалари мудар Туркистонни уйғотиб юборди. Илгор шоир ва ёзувчилар халқни ватан озодлиги учун курашга даъват этувчи асарлар ёза бошлади. Шундай бир шароитда ёзувчилар ўтмишда ер юзини титратган саркардаларни наҳот фаршати ўлароқ "тириктириб", улардан халқнинг ҳуррият учун бошлаган курашида мадад беришни сўрадилар. Фитрат 1918 йили ёзган "Уғузхон" ва "Темури сағанаси" драмаларида қадимги турк хоқонларидан бири Уғузхон ва Амир Темури руҳларига муножабат этган.

Санъатшунос Сирожидин Аҳмад ва адабиётшунос Бойбўла Дўстқороевнинг маълумот беришларича, "Иштирокион" газетасининг 1919 йил 4 сентябр сониди "Навоий кечаси" деган хабар босилган. "Ишти" (Ғози Юнус) қаламига мансуб шу хабарда айтилишича, уша йилнинг 16 август куни Тошкентдаги "Роҳат боғча" номи билан машҳур бўлган театр биносиди Алишер Навоийга бағишланган кеча бўлиб ўтган. Кечида Ғулом Зафарийнинг "Баҳор", Фитратнинг "Уғузхон" ва "Темури сағанаси" бир пардали драмалари намойиш этилган. Уша йилларда оид матбуот хабарларига қараганда, бу асарлар аввал ҳам намойиш этилган. Уларнинг 1918 йили, феврал воқеаларидан кейин ёзилгани ҳақидаги фикрлардан жон бор.

Фитратнинг "Темури сағанаси" драмиси тўғрисидаги таҳлилий маълумот илк бор Хамид Олимжоннинг "Фитратнинг ижодий йўли" (1936) деган мақоласида берилган. Мазкур мақола уша давр талаби билан Фитрат сингари "кекса" ёзувчилар ижодининг "аксилантилиб" моҳиятини фож этиш мақсидида ёзилган. Шунинг учун муаллиф Фитратнинг хурриятпарварлик руҳидаги асарларига вулгар социологизм нуқтаи назаридан ёндашган. Шунга қарамай, бу мақоланинг қимматли томони шундаки, унда бизгача етиб келмаган мазкур асардан кичик бир лавҳа берилган. Яқин-яқингача кимки шу асар тўғрисида фикр юритган бўлса, Хамид Олимжоннинг

қўпжидлик асарларида берилган ўша ягона парчадан келиб чиққан. Ҳолбуки, "Совет адабиёти" журналининг 1936 йил 4-5-сонларида босилган бу мақола Хамид Олимжон асарларининг кейинги нашрларида, ҳатто "Мукамал асарлар тўплами"да ҳам қисқартирилган эди. Шу мақоланинг асл нусхасида берилган маълумотга қараганда, Соҳибқирон сағанасини зиёрат қилиш учун келган Ийигит Амир Темури руҳига муножабат этиб, бундай сўзларни айтади:

"Хоқоним, эзилиб таланган, тала- Наим КАРИМОВ

ҲУРРИЯТ БАЙРОҒИ

ниб йиқилган, йиқилиб яраланган турк элининг бир боласи сандан кўмак истарга келди. Боғлари бузилган, гуллари сўлган, булбуллари учирилган Туроннинг бир қоровули сенга арз этарга келди.

Хоқоним, Туроннинг Қоқози ёнди, озарлиси битирилди, туркмени алданди, татари таланди, ўзбеге емирилди, қирғизи очликдан ўлди, кўтар бошини, Хоқоним!.."

Ийигит монологининг қисқартирилган қисмини биринчи бўлиб тиклаган Сирожидин Аҳмад "Ошиқ иши — чин севиш" (1998) деган мақоласида мазкур парчани келтиришдан аввал бундай ёзда: "Асарлар мобайнида тинч ётган Соҳибқирон яна шу фарёд ва илтижога чидаш бера олмай, сағанани гўмбурлатиб ёриб чиқишга мажбур бўлади. Темури ватанини суйғучи Ийигит ва юксак табиати Чолга қарата хитоб қилади: "Мен сизларга кўп нарсаларни қолдирдим... Не бўлдики, бу замоналарнинг шарафли ва жасур миллатининг авлодлари ҳозир бошқа бир миллатнинг зулми остида қолмиш, қимматли боғларининг кушларини кувмоқда. Оталар меросидан нима қилдингизлар? Сизлардан талаб эдилми, қалқингиз! Сизларга амр қилман, қалқингиз! Ўлкамининг тузатишгиз! Авлодларининг(нг) хур яшашини таъмин этингиз! Агар бундай қилмасангизлар, ўлка, мамлакат буюк бир мазорлик ҳолига келажадир!".

Фитрат назарида, бир замонлар жаҳоннинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган Темурилар салтанатининг сўнги асрларда парчаланиб, мустамлака ҳолига тушиб қолишидан, мамлакат аҳолисининг эса мустамлакачилик зулми остида яшайдиган Амир Темурининг бевозта бўлмағлиги гайритаъйиб эди. Фитрат шу фикрдан келиб чиққан ҳолда, Ийигитнинг эзилб-таланган, таланиб-йиқилган, йиқилб-яраланган эл ҳақидаги фарёдини эшитган Соҳибқироннинг сағанани ёриб чиқиб, элни қалқитишга, ўлкани тузатишга, авлодларнинг хур яшашини таъминлашга даъват этишини мумкин, деб билади. Узининг изтиробли дард ва аламларини Ийигит образи орқали ифодалаган Фитрат учун шу даврда на тириклик ва на ўликлар орасида Амир Темурининг руҳидан бўлак бирор наҳоткор бор эди. Шунинг учун ҳам у ўз асариди Амир Темури руҳини марказий образ даражасига кўтарган. Амир Темури ва унинг руҳи Фитрат учун наҳот байроғи бўлган. У ватандошларини ана шу байроқ остида эрк ва озодлик учун курашга чақирмоқчи ва бирлаштирмоқчи бўлган.

Қамина аввалги мақолаларидан бирида "Темури сағанаси"нинг матни бизгача етиб келмаганлиги боис бу асарнинг ғоявий йўналишини Фитратнинг "Юрт қайғуси" (Темури олдинда) насрий шеъри ёрдамида тасаввур этмоқчи бўлган эди. Бу ўша пайтда, балки, "Фитратнинг туркчилик ва эркили (муштақил) Туркистон учун юрағиди сақлаб ҳаққони унинг "Темури сағанаси" ва "Уғузхон" номи икки гўзал театр асариди тўпланмишидир. Ҳар икки асар гарчанд босилмаган бўлса-да, Туркистондаги бутун сахналарда қўйилган гоят яхши опереттадир. Мана, "Темури сағанаси" дан бир парча:

ТЕМУРИ САҒАНАСИ УСТИНДА Ювош эс, тоғ ели, тўхта, бу ерларни кўрарсенми? Бу тошнинг остида кимдир? Ўтиб қолган, билурсенми? Бутун очунни титратган буюк хонинг туғу тошини Зиёрат этмайин, юз суртмайини илдам ўтарсенми?

Бу сип-сийдам қора тош остида бор ўйла бир хонким, Ёритганди қоронғуларда қолган турк дунёсин. Оғир тупроқлар ичра ён босиб тилган бу арслондиқим, Турарди еридан-да эшитган чоғда "урхо"син.

Бу хоқоннинг қиличлар синдириб тузган улуг мулки — Эсизлар, охлар, мунғлар, ёзишларким бузилмишидир. Бугун қонлар тўқиб, жонлар сочиб қўрган чечак боғи Фигонлар, қайғулар ва ҳасратларким, бузилмишидир.

Ёрил, эй турк бахтини эсга солган тош, ёрил илдам, Ёрилким, кўкрагинг ичра Ўтиб қолган хон уйгонсин! Таланган, ёндирилган юртини — Туронини кўрсин! Эзилган, яраланган бойқий элга йўлни кўрсатсин!

"Темури сағанаси" драмиси матнида оид мавзуд маълумотлар шунлардан иборат. Кўрамизки, бу маълумотларнинг барчаси асарнинг биринчи қисми, яъни "юртни суйғучи" Ийигит билан "юксак табиати" Чолнинг Соҳибқирон сағанасига келиб, нола қилиб, наҳот сўраши ва Амир Темурининг сағанани ёриб чиқиб, халқни қалқитишга, мустақиллик учун курашга даъват этиши билан чекланади. Балки, асар фақат шу воқеадан иборат бўлгандир? Балки, спектакл Амир Темурининг: "Сизларга амр қилман, қалқингиз! Ўлкамининг тузатишгиз! Авлодларининг(нг) хур яшашини таъмин этингиз! Агар бундай қилмасангизлар, ўлка, мамлакат буюк бир мазорлик ҳолига келажадир!" деган сўзлари билан яқунланган ва спектаклнинг ғояси шу сўзларнинг ўзиди эркин мўхассамлангандир?..

Мазкур спектаклда Ийигит ролини Уктам (Қаюм Рамазон), Амир Темури ролини эса, юқориди айтилгандек, Маннон Уйғур катта маҳорат билан ижро этган. "Иштирокион" газетасининг қабрдан чиққандаги ҳаракатларини гоят усталик билан адо этган. Уша унутилмас спектаклда ҳозир бўлган Саттор Жаббор, Заки Валдиннинг хотиралашига кўра, унга бундай деган экан: "Инқилобдан сўнг Тошкентда ташкил этилган "Чигатой гурунги" ўзбек театрчилик ҳаракатининг ички-шароити катта ёрдам эди. Бу гуруннинг раҳбарларидан шоир Фитрат... буюк ва кучли пиеса асари. "Хинди илтилолчилари" ва "Темури сағанаси" ни кўрган томошабинларнинг кўз ёшлари тинмай оқар эди".

Фитрат 1918 йилнинг оловли кунларида ёзилган "Темури сағанаси" асарини билан Соҳибқирон образини замонавий ўзбек адабиётига илк бор наҳот байроғи сифатида олиб кирди. Не тонгики, шу наҳоткор байроқни баланд кўтармоқ ва Соҳибқирон Амир Темури ватанини истиқлолга эриштирмоқ бахти 1991 йилга келиб, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислам Каримовга насиб эди. Бу байроқ мустақиллик даври адабиётида янги-янги жиллолари билан товляниб турибди.

назари билан ёндашганда, балки мазкур дастурларнинг муайян физии инкор этилар. Лекин 90-йиллар шароитида шунинг ўзи ҳам катта журут эканини англаш учун фақат ҳолилик керак. Энг муҳими, Умарали Норматов Озод Шарафиддин, Бегали Қосимов, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов сингари ҳам-фикрлари қаторида, бир умр ўзи ишониб, амал қилиб келган адабиёт мафқурасига доир ақида-

ҳар доим ўзларининг журутларки билан интеллектуаллардан ажралиб турадилар. Китобдан халқ олган "Адабий таълимнинг янги даври" мақоласини миллатнинг журутлиги билан зиёлиси маърифий фаолиятига бир дилал десак англашмайми. Олимнинг қайд этишича, мактаб дарсликларининг янги дастури истибдод даврида амалда бўлган дастурлардан, аввало, адабий таълимни коммунистик мафқура,

ЧИН МУНАҚҚИД САОДАТИ

лардан халос бўлишга руҳий-маънавий имкон топа олди. Психологик нуқтаи назардан инсондаги ботиний эврилиш ҳар қандай зоҳирий ўзгаришлардан кўра қийинроқ кечади. Бунда эврилишлар учун инсонда ҳолис қалб, одилона тафаккур, камтарона табиат бўлиши лозим. Китобнинг асосий қисмини Абдулла Қодирий, Ойбек, Фағур Фулай, Абдулла Қаҳқор, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддин, Лаоз Қаюмов, Раҳматилла Иноғомов каби адиб ва муннаққидлар ҳақидаги ёссенамо мақолалар ташкил этган. Бу мақолалар бирбутун ҳолда XX аср ўзбек адабиётининг долхаллар ҳаёти ва ижодига доир лавҳалардан иборат ўзига хос мозаикага

ўхшайди. Унда самимий хотиротни ҳам, адабий жараёндаги ўта чигал, баъзан сатирик ва юмористик характердаги муносабатларини ҳам, илмий-танқидий таҳлилларни ҳам қузатиш мумкин. Айни пайтда, ушбу мақолалар мажмуи ўтган адабиёт даргалари шахси ва ижодига одилона баҳо, ўзига хос энциклопедия тасаввурини беради. Ҳар не бўлганда ҳам, бошқа бир киши, ҳарчанд урминмасин, бу мавзуда Умарали Норматов ёзган мақола эса олмас эди. Негаки, бу мақолаларга олимнинг умр йўллари, руҳияти сингиб кетган. Зотан, бармоқ излари сингари бир инсон ҳаёт йўли ҳам бошқа одамда сира тақорланмайди.

Кўп узоқ кетмай, профессор Лаоз Қаюмов хотирасига ёзилган "Қафсадаги шер" мақоласини ўқиганимизда ҳам бунга тўла амин бўламиз. Мақолада Л.Қаюмов хавфининг У.Норматов гувох бўлган бор-йўғи тўрт эпизодди қаламга олинган, ҳолис. Лекин мана шу тўрт эпизод орқали Лаоз Қаюмов шахсиятидаги одамийлик, олимлик, эзюк-олимлик, давр сивати олдидидаги ожизлик ва ботиний фожиа оҳанглари ҳолисона дақиқлик билан ёритиб берилганки, ўз замонаши ҳақида бундай ёзиш учун олимликнинг ўзи етмайди.

Муннаққиднинг ўзига ҳослиги, менинчига, адабий воқеаларни талқин этиш принциплари кўра белгиланади. Аммо юзлаб муннаққидлар силсиласида Умарали Норматов ижодига хос жиҳатлар-

дан лоақал бир-иккитасини ажратиб олишнинг ҳам ўта нозик ва мураккаб томонлари бор. Масалани бу тарзда қўйиш, гарчи монографик тадқиқотларга тегишли бўлса-да, У.Норматов ва унинг авлоди ҳуқуқсизда сўз юритаётиб, психобиография, адабий тарихий ёндашувсиз ҳолис талқинга эришиб бўлмайди.

"Ижод сехри" китоби доирасида шунга айтиш мумкинки, У.Норматов, аввало, ҳарқатдаги муннаққид, у адабий жараёни қадим-бақадим кузатиб, баҳолаб боради. Утган ва ўтаётган адабий ҳодисалар билан янгиларини солиштиради. Олимдаги янгиликка ўқич, аксарият ҳолларда, унинг яқин ўтмишга айланган адабий асарларини инкор қилишга, улардан юз ўгиришга олиб келмайди. Хусусан, "социализм" деганда кўпчиликнинг ўзига истеҳзо югурдиган бир пайтда У.Норматов: "Совет даври адабиётини, айниқса, ундаги "социал адолат учун кураш" лафоси билан йўрилган йўналишни "инсоний тил билан гапириш ва фикрлаш"дан бутунлай холи дейиш инсонфанд эмас", деб ёздади. У ўзи ишонган, ўзи мансуб бўлган жараёнлар устида фикр юритар экан, ўтмиш фаолиятига доир айрим хатоларини тан оlishдан кўрқмайди. Олим 1990 йили А.Қаҳқорнинг "Сароб" романини нисбатан ҳолис адабий талқин этишга урингани, кейинроқ романга нисбатан қунайган ниғизли таъбири муносабатлар таъбирида "Ҳақиқат тақозоси" номи мақола ёзиб, ҳолис қарашларидан қайтганини надомат билан эслай-

ЎЗГАРИШЛАР, МУАММОЛАР

Янги аср адабиёт илми

1. Мана, XXI асрнинг ҳам 7 йили ўтди. Шу йиллар мобайнида ўзбек танқидчилари ва адабиётшунослари ҳам баҳоли қудрат ижод билан машғул бўлдилар. Бинобарин, сизнингча, янги аср адабиёт илмида қандай ўзгаришлар юз берди? 2. Ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослиги олдида қандай муҳим вазифалар турибди, деб ўйлайсиз?



Дамир Тўраев, филология фанлари доктори:

1. Адабиёт илми уч йўналишда тараққий этади: адабиёт тарихи; адабиёт назарияси; адабий танқид. Бу йўналишлар орасига "хитой девори" қўйиб бўлмайди, лекин уларни фарқламай, аралаштириш ҳам нотўғри. Мазкур уч йўналиш бири иккинчисини тўлдириб, уйғун ҳолда ривожланади. Лекин булар орасида адабий-эстетик қонунларни адабиёт назарияси белгилайди. Адабиёт назарияси сийёсийлаштирилган собик шўролар даврида адабиёт илмининг хато тушуниш қандай оқибатларга олиб келгани сир эмас. Устоз адабиётшунос, истеъдодли олим Иззат Султоннинг "Адабиёт назарияси" ириқ, фундаментал илмий асар бўлса-да, унда ўша давр мафқурасининг партиявийлик ва синфилик мезонлари сақланиб қолган эди.

Мустақиллик даври, хусусан, XXI аср адабиёт илмида бу хато мезонлардан воз кечилди ва асарнинг баркамоллигини белгилловчи бадиийлик, инсонпарварлик (гуманизм), халқчиллик, ҳаққонийлик каби асосий мезонлар ўз ўрнини олди. Психологизм, герменевтика (ҳар томонлама, системали, поэтик таҳлил) XXI аср ўзбек танқидчилиги ва адабиётшунослигига ҳам кириб келди. Бу йўналишда илмий тадқиқотлардан амалга оширилди. "Шарқ мўлтот поэтикаси" (тузувчи: филология фанлари доктори Хамидулла Болтабоев, таржимонлар: А.Ирисов, А.Рустамов, И.Абдуллоев, А.Хайитметов, М.Маҳмудов, М.Хасанов) бўлган тўпламда бадиий сўз табиати, шорилқ таърифи, шакл ва мазмун, адабий тур ва шеър навлари, бадиий санъатлар, тил ва услуб соҳаларига оид адабий-назарий фикрлар жамланган.

Янги аср адабиётшунослигидида ҳам устозларнинг ёшларга намуна мактаби-

ни яратиб фаолият кўрсатаётганликлари қувонарли ҳолдир. Мен бу ўринда танқидчи олимлар Наим Каримов, Собир Мирвалиев, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Иброҳим Гафуров ва Нўмонжон Раҳимжоннинг кейинги йиллар адабиётшунослигининг савиясини белгилловчи тадқиқотларини кўзда тутаяман. Уларда ўзбек адабиётининг ривожланиш ҳусусиятлари ва тамойиллари, бадиий-эстетик изланишлари ҳақон адабиётшунослигидидаги илгор назарий қарашлар мезониди ўрғинилган.



Ёшулликлар келиши...

2. Янги асрда адабий танқидчилигимиз олдида муҳим вазифалар ҳам турибди. Бу, биринчидан, олий ўқув юрлари ва ўрта умумтаълим мактаблари учун миллий дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш масаласидир. Бу борада жонқуяр устоз адабиётшунос Умарали Норматовнинг "Адабий таълимнинг янги даври" номи мақоласида илгари сурилган фикрлар барча филолог-ўқитувчиларнинг қўнғилдаги гапларидир. Иккинчидан, истиқлол даври адабиётининг ўзига хос ҳусусиятларини умумлаштирувчи қўлланмалар, тўпламлар яратиш зарур. Тўғри, мустақилликнинг 15 йиллигига бағишлаб "Мустақиллик даври адабиёти" номида тўплам нашр этилди. Ушбу тўплам юзасидан фарғоналик адабиётшунос Йўлдош Солижоннинг "ЎЗАС", 2008, 8-май) илмий-тадқиқот ишларини умумлаштирувчи бундай нашрларга вилоятлардаги олимларни ҳам жалб этиш зарурлиги ҳақидаги фикрини маъқуллаймаман. Дарҳақиқат, самарқандлик танқидчи адабиётшунос С.Мирзаевнинг "Ҳаёт ва адабиёт" (2001) номи китоби мустақиллик даври сўз санъатини кенг қўламада тадқиқ этгани билан адабиёт илосомандлари эълитборни қозонган. Вилоятлардаги олимларнинг фаолиятига бошқа мисолларини ҳам қўлаб келтириш мумкин. Боз устига, "Мустақиллик даври адабиёти" тўпламидаги барча мақолаларни ҳам юқори савияда ёзилган дейиш қийин.

Адабий танқидчилигимиз миллий истиқлол йилларида турли сиёсий, мафқуравий, синфи қелқанишлардан қулғанига қарамай, бадиий адабиёт ривожига нисбатан орқадди қолаётгандек. Дарҳақиқат, истиқлол бадиий ижодига кенг йўл очиб берди. Ижод эркинлиги тўғрисида янги, катта ўзбек адабиёти вуҷудга келди. Ижодкорларимизнинг тарихий ва замонавий мавзудаги асарларида қадимий илтимомий ғоялар, янги ҳаққонлар, турли услублар, шакллар воситасида бадиий талқин этилмоқда. Лекин адабий танқидчилигимизда бу асарлар ҳар доим ҳам ўзининг ҳаққоний баҳосини олаётгани йўқ.

Қарши. Узоқ Жўрақулов

Ҳақиқий муннаққид адабий жараёнсиз яшай олмайди. Шу маънода "Адабий жараён бўлмаса, менинг ҳаётим тўхтаб қолади", деган чин мунаққиддир. Мен профессор Умарали Норматовни мана шундай муннаққидлар сира-сидан, деб биламан. Зотан, домланинг узоқ йиллик илмий-адабий фаолиятидан ушбу фикрни исботлайдиган далилларни қўп келтириш мумкин. Яқинда нашр этилган "Ижод сехри" ("Шарқ", 2007. Сузбоши муаллифи И.Гафуров) китоби шундай далиллардан бириндир.

Умарали Норматов мансуб авлод фаолиятида мен ва менинг тенгдошларимда бўлмаган бир фазилат борки, уни эътироф этмаслик мумкин эмас. Мен тенгилар вақтининг зикрлигини-ю, танлаб ўқинишнинг шартлигини, баъзи асарларнинг жўнглигини-ю "танқиддан пастиглини" баҳона қилиб, адабий жараёни системали кузатмайди. Юрагимизни жиҳиллатмаган асарлар ҳақида фикр айтиш у ёқда турсин, ҳатто уларни ўқимаймиз ҳам. Ҳолбуки, муннаққиднинг вазифаси адабий жараён билан ҳамқадамлик, бу ҳусусида ўз фикрига эга бўлишидир. Катта авлодга мансуб муннаққидлар, хусусан, У.Норматов мақолалари, китобларини, айни ҳиҳатдан, адабий жараёнининг энциклопедияси дейиш мумкин.

"Ижод сехри" китоби ўз табиати ва мақсидига кўра муайян илмий системага даъво қилмайди. Шунга қарамадан, китобнинг "Адабий жараёндаги гаройиб роботалар", "Насрининг мунаввар йўли", "Ярим аср порлаган майк", "Аёлни тушуниш", "Шеър

риятда сехр соҳибни", "Мафтунроқ ишқ муҳаббати", "Қўшиқ қанотидаги тўғёнлар" каби тадқиқотларида адабий жараёни эстетик талқин этишининг нормативчи йўлини кузатамиз. У.Норматов XX аср ўзбек адабиётини кенг адабий ракурсда кузатар экан: "Навоий, Бобурдан кейин овози "икки дарё ораси"ни ёриб чиққан адиблар аини шу асрда етишгани ҳеч кимга сир эмас" деган ҳақли фикрни ўртага ташлайди. Албатта, тафаккури, қамрови кенг бўлмаган танқидчи бундай йирик хулосани илгари суришга ўзида журут топма олмайди.

Профессор Умарали Норматов танқидчилик фаолияти ҳақида ёзилган аксар ишларда олимнинг ҳиссиётчанлиги, фақат ўзига хос бўлган самимию таъбиати, шоирона табиати таъкидланади. Аммо, қўпинча, бундай ҳаққоний ва ёқимли эътирофлар соясида олимнинг яна бир муҳим ҳусусияти — журутчилиги кўзга ташланмай қолади. Тўғри, журутчи одам ҳеч замонда қаҳрамон саналмаган. Журутчи деганда ҳеч ким қаҳрамон назарда тутмагани сингари, бу тушунча ҳам тўла-тўқис қаҳрамонини ифодаламайди. Аммо менинг тушунчамдаги журутчи киши — қаҳрамонликка даъвоси бўлмаган қаҳрамондир. Қолаверса, ҳиссиётчанлар

ҳар доим ўзларининг журутларки билан интеллектуаллардан ажралиб турадилар. Китобдан халқ олган "Адабий таълимнинг янги даври" мақоласини миллатнинг журутлиги билан зиёлиси маърифий фаолиятига бир дилал десак англашмайми. Олимнинг қайд этишича, мактаб дарсликларининг янги дастури истибдод даврида амалда бўлган дастурлардан, аввало, адабий таълимни коммунистик мафқура,

назари билан ёндашганда, балки мазкур дастурларнинг муайян физии инкор этилар. Лекин 90-йиллар шароитида шунинг ўзи ҳам катта журут эканини англаш учун фақат ҳолилик керак. Энг муҳими, Умарали Норматов Озод Шарафиддин, Бегали Қосимов, Бахтиёр Назаров, Наим Каримов сингари ҳам-фикрлари қаторида, бир умр ўзи ишониб, амал қилиб келган адабиёт мафқурасига доир ақида-

ЧИН МУНАҚҚИД САОДАТИ

лардан халос бўлишга руҳий-маънавий имкон топа олди. Психологик нуқтаи назардан инсондаги ботиний эврилиш ҳар қандай зоҳирий ўзгаришлардан кўра қийинроқ кечади. Бунда эврилишлар учун инсонда ҳолис қалб, одилона тафаккур, камтарона табиат бўлиши лозим. Китобнинг асосий қисмини Абдулла Қодирий, Ойбек, Фағур Фулай, Абдулла Қаҳқор, Мақсуд Шайхзода, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддин, Лаоз Қаюмов, Раҳматилла Иноғомов каби адиб ва муннаққидлар ҳақидаги ёссенамо мақолалар ташкил этган. Бу мақолалар бирбутун ҳолда XX аср ўзбек адабиётининг долхаллар ҳаёти ва ижодига доир лавҳалардан иборат ўзига хос мозаикага

ўхшайди. Унда самимий хотиротни ҳам, адабий жараёндаги ўта чигал, баъзан сатирик ва юмористик характердаги муносабатларини ҳам, илмий-танқидий таҳлилларни ҳам қузатиш мумкин. Айни пайтда, ушбу мақолалар мажмуи ўтган адабиёт даргалари шахси ва ижодига одилона баҳо, ўзига хос энциклопедия тасаввурини беради. Ҳар не бўлганда ҳам, бошқа бир киши, ҳарчанд урминмасин, бу мавзуда Умарали Норматов ёзган мақола эса олмас эди. Негаки, бу мақолаларга олимнинг умр йўллари, руҳияти сингиб кетган. Зотан, бармоқ излари сингари бир инсон ҳаёт йўли ҳам бошқа одамда сира тақорланмайди.

Кўп узоқ кетмай, профессор Лаоз Қаюмов хотирасига ёзилган "Қафсадаги шер" мақоласини ўқиганимизда ҳам бунга тўла амин бўламиз. Мақолада Л.Қаюмов хавфининг У.Норматов гувох бўлган бор-йўғи тўрт эпизодди қаламга олинган, ҳолис. Лекин мана шу тўрт эпизод орқали Лаоз Қаюмов шахсиятидаги одамийлик, олимлик, эзюк-олимлик, давр сивати олдидидаги ожизлик ва ботиний фожиа оҳанглари ҳолисона дақиқлик билан ёритиб берилганки, ўз замонаши ҳақида бундай ёзиш учун олимликнинг ўзи етмайди.

Муннаққиднинг ўзига ҳослиги, менинчига, адабий воқеаларни талқин этиш принциплари кўра белгиланади. Аммо юзлаб муннаққидлар силсиласида

ДУНЁ КЕЗГАН САНЪАТКОР



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, халқ таълими аълоҳиси Азим Азизов мамлакатимизда бадиий ҳаваскорлик ижодий-эстетик ривожланишига самарали ҳисса қўшиб келатган фахрли устозларимиздан бири.

Азим аканинг халқ ансамбллари ташкил этишдаги хизматлари эътирофга лойиқ. Фаргона вилояти Кува тумани маданият уйи қошида "Анор" халқ ансамблини, Тошкентда "Халқ хаваскорлик ансамбли" фахрий унвонига сазовор бўлган машҳур "Баёт" халқ студиясини, сўнгра турли йиллар орасида Навоий вилоятининг Нурота туманида "Ўли ирок", Кармана кишлоғида "Гули", Қашқадарё воҳисада "Қитоб гуллари", Жиззахда "Дўстлик чамани" ва яна Тошкентдаги республика ўқувчилар саройи қошида "Чаман" намунали болалар ансамбли, "Ибн Сино" маданият маркази қошида "Умид" ёшлар халқ студияси каби ўндан ортиқ бадиий жамоалар фаолияти фикримизга далил бўла олади.

Хамкасб дўстлари уни "Азим ака дунё кезган санъаткор" дея таърифлашади. Чиндан ҳам устоз санъаткор Россия, Польша, Германия, Франция, Италия, Хитой Халқ Республикаси, Хиндистон, Туркия, Кипрда ўтказилган халқаро фольклор-ракс фестивалларида фаол иштирок этган.

Устоз хаваскорларга халқ кўшиқларини маромига етказиб ижро этишни, чиройли рақса тушишни синчковлик билан ўргатади, ҳар бир шогирдидан саҳна маданиятини қаттиқ талаб этади. — Санъатдаги биринчи устозим Азим Азизов, — дейди раққоса Наргиза Абдуллаева. — У кишининг меҳнатлари туфайли томошабинлар назарига тушди.

Дунёнинг кўплаб хорижий давлатларида гастрол сафарларида бўлди. Азим акада устоз мураббий қўлида таълим олганим билан фахрланаман.

Азим аканинг ўзи Мукаррама Турғунбоева, Исахор Оқиллов, Розия Каримова, Кундуз Мирқаримова, Рихисой Ваҳобов, Мирсодиқ Умаров, Рауф Ғофуров, ҳажв устаси Хасан Йўлдошев, хормейстер Абдуқаҳор Султонов каби санъат усталаридан яхши сабоқ олган. Ўз вақтида устоз санъаткорлар А.Азизовнинг ижодий фаолияти ҳақида илиқ фикрлар билдиришган. Жумладан, Россия давлат академик халқ рақс ансамблининг бадиий раҳбари Игорь Мосисев 1980 йили А.Азизов раҳбарлигидаги "Баёт" халқ ансамблининг Москвадаги концертларини кўриб шундай деганди: "Мен Ўзбекистондан келган "Баёт" номли янги оригинал ижодий жамоа-

нинг хилма-хил концерт дастуридан жуда таъсирландим. Ниҳоятда ўзбекона, гўзал миллий рақсларни саҳналаштирган бадемейстер Азизовнинг истеъдодида қойил қолдим. Унга минг раҳматлар айтаман. "Азим-жон Худойим томонидан яратилган ноб санъаткорлардан биридир. Ундаги ташкилотчилик қобилиятидан биз устозлар ҳаммиш қувонамиз ва ҳақи равишда фахрланамиз", деган эди эсдалик китобидаги дастхатларидан бирида Мукаррама Турғунбоева.

— Мен 1970 — 1985 йилларда Азимжонга устозлик қилганман, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, профессор Кундуз Мирқаримова. — Ўша йиллари унинг ижросида "Чақон йигит" рақси, "Томирча уйин", "Минг чарх", тожикча "Шўх ўғлон", ҳиндча "Бхарат Натям", "Тинчлики сақлан" рақс поэмаси, "Макумба" австралия рақси сингари турли миллат ўйинлари томошабинларга манзур бўлган. Ҳатто машҳур раққос Маҳмуд Эсамбойев ҳам халқлари рақслари ижросини Ўзбекистонда ҳам пайдо бўлди, дея уни олқишлаган. 1972 йили "Ўзбек-телевизион" студияси "Азим Азизов рақсага тушади" фильми-концертини суратга олган.

Азим ака йигирма йилдан ортиқ раҳбарлик қилган "Баёт" халқ студиясида Маданият институтининг катта ўқитувчиси Раҳматхон Раҳимов ва муҳридин Холқов, Бахтиёр Тўлаев, Хотамхон Қосимов, Элмурод Исомов, Акбар Назаров, Тоҳир Исоқов, Хайдар Солиев каби таниқли ижодкорлар дастлабки сабоқини олганлар.

Устознинг олижаноб фазилатларидан яна бир шундаки, у зоққиллардан бўён олмадан ўтган маданият ва санъат арбобларига бағишлаб мунтазам равишда хотира тадбирларини ўтказиб келадди. Айниқса, семил маданияткоримиз Мукаррама Турғунбоевага бағишланган турли мавзудаги тадбирлари таъсирга лойиқ.

Болалар ва ўсмир ёшларнинг семил устозлари ҳозирги кунда Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги "Иттифок" ва "Туркистон" кишлоқ маданият марказларида бош директор ҳамда "Умид" ёшлар студиясида бадиий раҳбар сифатида фаолият юритмоқда. Бу маданият марказларида "Умид" ҳажвий театр-студияси, доирачилар дастаси, раққослар, хонандалар ҳамда турли тўғараклар мавжуд. 80 дан ортиқ санъат ишкбиллари орасида раққоса Нурхон Сулунова, ёш эстрада хонандалари Умаржон Шамсиев, Рисолат Ражабова, "Ниҳол" муқофоти совриндори Елдор Мирзақофоти, "Самолот — 91" кўрик-танлови қолиби Содикжон Раҳимов, актёрлар Уткир Жойматов, хонандар Жавлон Жаъбаров, Шариф Кундузов, Абдукарим Иминов, Элёр Аъзамов, сурайчи соҳнада Карим Қосимов, доирачилар Тоҳир Баҳромов, Забиҳилла Собироллар бор.

Шу кунларда А.Азизов раҳбарлигидаги жамоа Голландияда ўтадиган халқаро фольклор-ракс фестивалида катнашиш учун қизқин ҳозирлик кўрмоқда. Хориж сафари учун "Боғу бўстон — Ўзбекистон" номли театрлаштирилган махсус концерт дастури тайёрланмоқда.

Уйлаимизки, шогирдлар бу сафар ҳам устозлари ишончини оқлайдилар.

Хуришид ВОХИДОВ, келса санъаткор, Абдулла ҚУРБОНОВ, эстрада хонандаси.



Журналнинг наватбади сони ҳар йили нишонланадиган аънавий "Театр кун"га бағишланган материаллар ҳамда мамлакатимиз театрларида фаолият олиб бораётган ёш режиссёрларнинг "Дебют" фестивали ҳақидаги таҳлилий мулоҳазалар билан бошланади. Санъатшунослик доктори М.Қодиров ва ёш олимпиада Дилфўз Қодироваларнинг "Режиссурадаги янги тўлқин", Ҳамида Маҳмудованинг "Режиссёр маъсулияти", Шерзод Пирматованинг "Муסיқали драматини тавшиши кунлари", санъатшунос олим Сирожиiddин Аҳмад тайёрлаган "Икки буюк истеъод", театршунос Шухрат Ризаевнинг Ўзбекистон халқ артисти, саҳнамаликаси Рихис Ойроҳимова ижодига бағишланган "Энг азиз кунлар", драматург Комил Авазнинг Ўзбекистон халқ артисти Гулоро Раҳимов ҳақидаги "Эзоз" сарлаҳали мақолалари теран таҳлил ва қизқартирилган билан ҳам ажралиб туради.

Журналхонлар, шунингдек, ушбу сонда Эркин Осмоновнинг "Биров бўлиб ашаш осмонми?", Сотимбой Турсунбоевнинг "Гилдирак устида ўтган умр" каби бир қатор ўқилиш мақолалари билан ҳам танишадилар.

Бошланиши биринчи бетда.

Биринчи спектаклдан кейин у Мустафо Бафоевга қарата айтган кўйидаги дил изорининг гувоҳи бўлдим: «Устоз сининг операндарига да улуглигини барча аломатлари бор. Арияларининг ижро этиши, завқ олишдан толмайман. Кўйчанликда Верди опералари билан қандайдир ўхшашликлар сезаман. Сиз ўзбекларнинг Вердисисиз. Илоҳим, шундай бўлсин». Аваз Ражабов кўпни кўрган санъаткор. У доим ўйлаб гапирди. Шунинг учун унинг сўзларини янги опера асари муסיқасига берилган баҳо, дейиш мумкин.

Опера санъати қанчалик серқирра ва мураккаб бўлмасин, унинг негизиде муסיқа ётади. «Чувчара ёйишдан мақсад, гўшт ёмоқ» деганидек, операдан мақсад муסיқадан завқ олоқ, мафтункор кўйларни гўзал садрларда эшитиб лозатланмоқдир. Операнинг сюжетини ярим бетда изор этиш мумкин. Операга мухлис, асар воқеасидан огоҳ бўлиш учун эмас, балки унинг негизидеги тўйгуларни ёқимли, раво кўй ва оҳангларида, гўзал ижроларда, бетакдор овоз ҳамда бўёқларда

Овозни чинакам опера овози даржасига етказадиган дастлабки омил эса муסיқадир. «Севги самоси»нинг ҳам жозибавари унинг муסיқий пойдевориде. Операнинг муסיқий мағзиде, оҳангдор. Унда замонавий воқеалар қанчалик кўп ишлатилмасин, барибир раво оҳангдорлик биринчи ўринда туради. Шу билан бирга опера бошдан охир миллий оҳанг билан сўғорилган. Композитор Мустафо Бафоев ижодининг мазкур асарда намоён бўладиган яна бир жиҳати — юксак бадиий маҳорат. 2 май кунини бўлиб ўтган премьерда Катта театр зали лик тўлди. Пастки каватнинг 4-5 қаторини европалак сайёҳлар эгаллашди. Операнинг ҳар бир сахнасида катта ариялар ёки жозибали рақслардан кейин давомли гулдурас олишлар янгради. Бу асар томошабинларга маъқул бўлгани исботидир. Анчадан бўён ўзбек операси бундай иштиёқ ва ҳажон билан олқишланмаган эди. Демак, бу яхшилик нишон-

мақом йўллари ва халқ кўшиқларида умули фойдаланиганини алоҳида таъкидлаш зарур. Фарғона муסיқий йўлларида «Сайдин» кўйбер сайёда... кўйи бош оҳанг сифатида танлангани Фарғоний образининг муסיқий тасвили вази фасини баҳаради. Асар шу кўй билан бошланади, айнан шу оҳангларида яқунланади. Бундан ташқари, Фарғонийнинг марказий арияси асосини ташкил этувчи «Ўрта» ҳамда Муҳаммад Хоразмий арияси негизидеги «Насри ушшоқ» мақом йўллари ҳам асарга алоҳида салобат бахш этиб турди.

ОПЕРА — МУСИҚИЙ МАДАНИЯТ КЎЗГУСИ

ва сўз уйғунлиги катта аҳамиятга эга. Композитор ва либретто муаллифи яқин ҳамкорликда иш тутганлиги ҳам эътиборга сазовор. Бош қаҳрамонлар Фарғоний ва унинг севагили Сафина, Хоразмий ва Шоҳ Маъмур образлари ёрқин ва изчил ифодаланган. Композитор сўз юқини, драматург эса муסיқининг ички ҳолатларини чуқур ҳис қилиб иш тутганлиги яқин сезилиб туради. Мустафо Бафоев ва Жуманиёз Жабборовлар миллий гоҳ, миллий қадриятлар дарди билан яшаётган етук ижодкор эканликларини намоён этганлар.

«Севги самоси»нинг яна бир муҳим жиҳати — у опера-балет жанрига мансуб асар. Унинг тарқибиде рақс саҳналари шунчаки кўнгли очар шакл эмас, балки асар мазмунини ёритишда халқ кўйберчи омил бўлиб хизмат қилади. Айниқса, самовий образларни ифодалашда муסיқа билан тенг қаторда балет воқеалари фаол иштирок этади. Шунинг учун асар ҳақи равишда опера-балет номи билан юритилди.

Балет саҳналари табиий ва жозибали қишқиде тажрибали балетмейстер Иброҳим Юсуповнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш

тини идрок этиб, жуда табиий ва уйғун саҳна безакларини яратишга эришган. Рассом ижодининг энг жозибали томони — унинг миллий руҳиятида. Фарғоний салоҳияти ва умуман Шарқ менталитетига муносиб улугворлик ҳам ранг-баранг декорацияларда ўз ифодасини толган.

Асарнинг бошдан охир муסיқий жараёнини бошқарган дирижёр Сулаймон Шодмонов зўр иштиёқ билан ишлагани сезилиб турибди. «Севги самоси» каби мураккаб муסיқий асар узоқ муддат давомида яшиб етилади ва тегишли сайқалларни топади. Лекин, асарнинг дастлабки саҳна жараёнидаёқ бош дирижёр раҳбарлигида бутун жамоа кўтаринки кайфият яна оламани томошабинларга тақдир этишга ҳаракат қилганлигини кўрсатади.

Аҳмад Фарғоний роли ижроси Аваз Ражабов бугунги кунда театрнинг кўзга қуриган етакчи хонандаси ҳисобланади. Унинг овози, ҳатти-ҳаракати ва қадди қомагига Фарғоний образи жуда муносиб тушган. Унинг ижросидеги раво ариялар эса операга алоҳида тароват бахш этган.

Фарғонийнинг севагили Сафина ролин Сабера Хайридиннова зўр ҳавас ва иштиёқ билан ижро этиб, жонли ҳаётий образ яратган. Яқна ария ва Аҳмад Фарғоний билан айтиладиган ансамблларда ҳам унинг овози тиниқ ва баралла янгради.

Муҳаммад Хоразмий ролин ижро этган ёш хонанда Абдуғани Рўзиевнинг катта театр саҳнасига кириб келиши жамоада миллий операларда баралла янграйдиган тенор овози пайдо бўлганидан далолат беради. Бундан бир неча ой муқаддам Абдуғани Тўхтасин Жалиловнинг «Тоҳир ва Зухра» операсида Тоҳир ролида чиққан эди. Мана энди Хоразмий ролида Хоразм мақом йўлларида «Насри ушшоқ» асосида тузилган баланд авжи арияни дадил ижро этиб, тингловчилар олқишига сазовор бўлди.

«Севги самоси»сининг яна бир эътиборли томони шундаки, бу асарда Миср шоҳи Маъмур маърифатпарвар ҳамда одил шоҳ сифатида талқин этилади. Образининг муסיқий ифодаси ҳам ёрқин ва ҳаётий ечилган. Хонанда Шавкат Зиёмуҳаммедов эса бу роли ишонарли ва самимий ифода этган.

Асарни саҳналаштирган Хайдарали Қосимов ўзбек операси ҳақиқатан ҳам ўзбекана бўлсин деб жон фидо қилаётган режиссёрлардан. У кўп қийинчиликларга қарамасдан «Тоҳир ва Зухра»ни қайта тиклашга бел боғлади. Абдуғани Рўзиевдек ноб овозларини излаб топди. «Севги самоси» эса миллатпарвар режиссёр нияти учун янада кўл келди. У ҳақиқий миллий опера яратиш учун бел боғлаб, шунга муяссар бўлганини айтишимиз зарур.

Яхши асар яхшиликка йўл очади. Яхши асар гоёси остида жамоа бирлашиб, унга файзу баракот келди. «Севги самоси» назаримда бутун театр жамоасини жонлантириб, янги уфлар сари собит қадам ташлашга ундагани билан ҳам аҳамиятлидир. Хаммининг кўзиде нур, қалбиде ишонч қаҳнамоқда. Зеро, «Ўзбек операси» деган элғун ниятга эришмоқ бахти уларнинг илҳомига илҳом бағишламоқда.

Отаназар МАТЎҚУВОВ



хис этиш иштиёқиде театрға келди. Лучано Паворотти, Монсард, Кабалье, Плачедо Доминго ёки Хулиё иштирокидаги спектаклларнинг чипталари қиммат баҳоланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда бутун дунёда опера энг хос томоша ҳисобланади.

ИЖОДИЙ ПАРВОЗ

12-18 май кунлари Тошкент ва Бухорода Марказий Осиё мамлакатлари ёшларининг «Ижодий парвоз» III халқаро кинофестивали бўлиб ўтди.

Бу халқаро кинофестивал фаолият бошлаганига хали кўп вақт бўлгани йўқ. Бирок у қисқа давр ичида минтақада ўзининг муносиб ўрнини топиб улгурди. Фестивал кинематография соҳасига ўз сўзи ва овози билан кириб келатган иктидорли ёшларнинг кашф этди. Улар яратган фильмлар турли нуфузли халқаро кинофестивалларда муваффақият қозонаётгани ҳам бугун ҳеч кимга сир эмас. «Ижодий парвоз»нинг наватбади фестивали «Ёшлар йили»да ўтказилгани ҳам унга янги мазмун бахш этди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ёш кинематографларнинг ижодий излашларини юзага чиқариш мақсадида ушбу фестивални ташкил этган. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Комолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент давлат санъат институти, Ўзбекистон Бадиий академияси, Республика кинофонди, Ўзбекистон «Мусаффо экран» кино-видео ташкилотлари асосида яна тадбир ҳамкорлари саналади.

Бу йилги анжуманга Марказий Осиё минтақаси бўйича тақдим этилган 72 филмдан 35 таси фестивалнинг танлов дастуридан ўрин олди. Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби, сценарийнавислар ва режиссёрлар олий курси ректори Андрей Герасимов раҳбарлигида фаолият олиб борган ҳамлар ҳақида тарқибда франциялик кинорежиссёр Жак Дебс, кинодраматург ва кинорежиссёр Жасур Исоқов, тожикистонлик кинорежиссёр Анвар Тўраев, қозғистонлик кинорежиссёр Лейла Файзуллаева, туркманистонлик кинорежиссёр Ясамрад Шадуридоевлар бор. Ҳакамлар ҳайъати Тошкент давлат Санъат институтида намоийш этилган фильмларни кўриб баҳолашди.

Фестивалнинг танловдан ташқари дастурда Франция, Швейцария мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчионалари, шунингдек, Тошкентдаги Гёте институти, «Росзарубежцентр»нинг Ўзбекистондаги бўлими ҳамда Британия кенгаши томонидан тақдим этилган ёш киножодкорларнинг фильмлари ҳам томошабинлар ҳўкмига ҳавола этилди. Фестивал иштирокчилари дастурдан ўрин олган фильмлар намоийшидан ташқари кинофестивал директори Маннол Қўчқоров етакчили-

Ўзбекистон халқ артисти, Бастакорлар уюшмаси аъзоси профессор Султонали Маннопов ҳақида гал кетганда устоз педагог, таниқли хофиз, талантли дирижёр, муסיқашунос олим, моҳир соҳна ва етук бастакор, хуллас, санъатнинг кўп қирраларини ўзида намоён эта олган тиниб-тинчимас ижодкор кўз олдимизга келди. Шунингдек, у Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Муҳторжон Муртозоев, Эрка қори Каримов, Мамадува Сатторов, Жўраҳон Султонов, Мазмуржон Узоқов, Расулқори Мамадалиев, Таваккал Қодиров, Фаттохон Мамадалиев сингари устозлари ижодий меросини илмий жиҳатдан ўрганиб, «Ўзбек халқ муסיқа маданияти», «Ўзбек маданияти ва санъат тарихи» каби ўқув қўлланмалари, «Сўнас наволар», «Кўшиқ олами юлдузлари», «Ўзбекистон булбули» каби рисоалар яратган.

Хофиз устозининг «Каландар иши», «Ўзбекистоним», «Гулзорга қарасам», «Ватани севамоқ йимондандир», «Водий таронаси», «Қизларжон», «Баёт», «Гулёр шахноз» ва «Тановарлар» кўшиқлари ор-

қали халқимизга яхши таниш, Фарғона-Тошкент ва Хоразм ижрочилик услублари ҳамда шашмақом йўлларида қўйлаб, ўзбек миллий муסיқа санъатини ҳажонга ёйишда толмай ижод қилиб келмоқда.

Яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясининг кичик залида С.Манноповнинг ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққан таниқли санъаткорлар унинг мумтоз ижролари ва яратган

ТАВАККАЛ АКАНИНГ ШОГИРДИ

қуй-қўшиқлари билан санъатимизга салмоқли ҳисса қўшиб келатгани, Фарғона давлат университетини маданият кафедраси мудир сифатида ўз билим ва тажрибаларини ёш шогирдларига кўп билан ўргатаётганлигини алоҳида таъкидлашлар.

— Раҳматли Оноржон бовим мени устозим Таваккал аканин уйига шогирдликка етаклаб келганлариде, ўн икки яшар бола эдим, дейди С.Маннопов. — Ўттиз беш йил устоз ёнлариде оряб, сўнги

нафасларига хизматларини қилдим, одоқ ўргандим, биргалиқда қўшиқ қўладим, кўрган-билганларимни, ўзим гувоҳ бўлган воқеаларни жамлаб, устозининг ҳаётлик вақтларида «Таваккал Қодиров» номли рисола ёзишга мушарраф бўлдим. Устоз бу китобни ўқиб, жуда ҳурсанд бўлиб, дуо қилган эдилар...

Ўтган йили С.Маннопов Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров ҳаёти ва ижодига ҳақида «Ўзбекистон булбули» илмий-публицистик рисолини тўлдирган ҳолда қайта чоп эттирди.

Тадбирда олим Ғанижон Абдураҳмонов, муסיқашунос Отаназар Матёқубов, халқ артистлари Маҳмуджон Тожибов, Абдулҳақ Абдурашидов, профессор Ридатилла Қосимов ва хизмат кўрсатган артист Эркин Рўзиметовлар санъаткорга узоқ-умр, ижодига янгидан-янги муваффақиятлар тиладилар.

Тадбирини Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев олиб борди.

Н.ИСМАТУЛЛАЕВА



МАДАНИЙ ҲАЁТ

Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят муסיқали драма театри жамоаси драматург Александр Цагарели ҳамда композитор Георгий Канчелининг «Хонума-хоним» муסיқали комедиясини саҳналаштирмоқда. Режиссёр Мансур Ҳоликмов, балетмейстер Дурдона Абдулломова, рассом Аноркул Бойбеков, асарнинг муסיқа раҳбари Фахриддин Каримов.

Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг кўзи оғизлар марказий кутубхонаси «Санъат гулшани» саройида халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Бор меҳримиз болаларга» номли тадбир ўтказди. Унда Тошкент шаҳар кўзи оғизлар мактабининг бошланғич синф тарбияланувчилари байрам дастурини намоийш этди.

«Фунна» журнали бош муҳаррири Умида Абдузимова, «Тонг юлдузи» газетаси бош муҳаррири Тўлқин Ҳайит болаларга бағишланган шеърларидан ўқиб кечага файз бағишладилар. Тадбир сўнгида ҳомиёлар томонидан болаларга совғалар тўхфа этилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ёшлар йили» муносабати билан «Эстрада оханглари» номли муסיқий кеча ўтказилди. Концерт дастурига кафедра раҳбари Дилором Омонуллова бошчилик қилди. Зоя Цой, Павел Барисов, Дилшод Умаров, Руслана Исмолова каби устоз санъаткорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Юнус Тўраев, Мавлуда Уринбоева, Шарофат Саидова Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ва дирижёр Алишер Икромов ҳамкорлигида XX асрнинг классик поп, жаз ва XXI асрнинг рок замонавий эстрада, миллий эстрада жанрларидеги энг сара кўшиқларни томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар.

М.КАРИМОВА Насиба МАШАРИПОВА

«Ташаккур»ни ўқини

минг яшаса, охир ўлмак керак.
Агар сад сол мони, в-ар яке рўз,
Бибояд рафт аз ин хохи дилафруз.

Узумни ўлумга қарор бердим. Ушол
боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу
қилдим, икки ракаат намоз ўқудум,
бошимни муножотқа кўюб, тилак тилай-
дур эдимким, кўзум уйқуга борибтур...

Яъни, Бобур ўлимни бўйнига олади.
Бу ўзини ўлдиршига қарор қилади,
дегани эмас, балки душман томонидан
ўлдирилишига амин бўлиб, ўлимга
иқдор бўлади. Бу — мусулмон киши
учун фазилат. Чунки мусулмоннинг
шеваси "казога розию балога собир".

Шунинг учун ҳам, Бобур нақд ўлим
олдидан таҳорат олиб, икки ракаат
намоз ўқийди. "Мехробдан чаён" романи
Мирзо Анвар ҳам Худойёрхон жаллоди
қўлида бўғизланмиша тайёрланаркан,
қатл майдонда икки ракат намоз
адо этгани ёдингизда бўлса керак.

Бу намознинг тарихи
шундайки, мушрикларни
исломга даъват этиш учун
қуборилган бир неча мус-
лим асирликка тушиб
қолиб, ўлдирилади. Улим
олдидан уларнинг бири —
Хубайб сўнги тилаги си-

фатида икки ракаат намоз ўқишга изн
сўрайди. Бу илтимос қондирилади.
"Кейин Ибн ал-Харас ул кишини қатл
қилди. Шу кундан эътиборан, тутқун-
ликда қатл қилинаётган ҳар бир мусул-
мон учун қатл олдида икки ракаат намоз
ўқимоклик Хубайбдан одат бўлиб
қолди" (Бухорий. Ал-жуми ас-сахих, 2-
жилд. Тошкент, 1997, 307-бет).

Уз жонига қасд қилиш эса исломда
энг оғир гуноҳлардан. Узини ўлдирган
одамга жаноза ўқилмайди, гўрда сўрок-
савол қилинмайди ва жони тўғри жа-
ҳаннамга кетади, дейилади. Қуръони
мажидни савоб йўлида ўз қўли билан
кўчирган, исломнинг ҳар беш фарзини
шеърини йўсинда батафсил баён қил-
ган (бундан "Китоб ус-салот" нашр этил-
ган), "ислом учун оворани ёзи бўлган"
Мирзо Бобур наҳот ўз жонига қасд қил-
моқчи бўлса?!

Душман ўраб турибди. Ўлдирувчилар
— тайин. Нега энди шу ҳолатда одам
ўз жонига қасд қилади? Башарти, Бо-
бур ўзини ўлдирмоқчи бўлса (аслида,
буни тасаввур этиш ҳам амримаҳол),
икки ракаат намозни ўқимаган бўлар-
ди. Чунки хатто ислом йўлида жанг
қилиб, кўп қоғирларни ўлдирган, ўзи
ҳам оғир яраланиб ўлаётган (демакки,
шаҳид бўлаётган) бир одамнинг азоб-
га чидаёлмаб, қилчичини кўрагига бо-
тириб ўз мамотини тезлаштиргани,
яъни ўзини ўлдиргани учун Расулulloҳ
уни "жаҳаннам аҳлидан" эканини башо-
рат қилган. Бу тарих Бобурга сизу биз-
дан яхшироқ маълум эди ва Бобурнинг
ўлимни бўйнига олиб ўқиган икки ра-
каат намози — шаҳидлар намози эди.

Ифода нуқтаи назаридан ҳам маъжур
талқин хато. Чунки Бобур муаллиф
дўстларимиз ундаётган ҳаракатга "қўн-
ганида" "Узумни ўлдурмакка қасд қилдим"
деб битган бўлар эди. Бобурнинг жум-
ласи ("Узумни ўлумга қарор бердим") эса
"ўлимим мукаррар эканини билдим,
ўлимимга иқдор бўлдим" дегани, хо-
лос (қарор, иқдор, мукаррар — бари бир
ўзакдан). Гап битта жумла талқиндаги-
на эмас, Бобурнинг эътиқоди, тийнати-
ни тайин этишда.

Бобур ўзини ўлдиршига қарор қили-
ши — галат ва унинг шаънига номуно-
сиб. Бунақа хато тахминлар чин ҳақиқат
тарзида талқин этиладиган бўлса, ом-
малаша кетади, хатто олий ўқув ор-
тига кириш имтихони тестларида "Бо-
бур қачон ўзини ўлдирмоқчи бўлган?
Жавоб: а) фалон йили; б) пистон
йили..." каби саволлар пайдо бўлиши
ҳам ҳеч гап эмас.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ва Туркманистон
ўртасидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий,
маданий ва маърифий ҳам-
корлик йил сайин ривожланиб бормо-
қда. Иккала давлат раҳбарлари
ўртасидаги учрашувлар, улар та-
шаббуси билан имзоланган шарт-
номалар буюк мақсадлар йўлида
ҳамкорлик қилаётган халқларнинг
келажакка бўлган ишончига, муш-
тарак мақсадлар йўлидаги саъй-
ҳаракатларга замин яратмоқда.

Ҳақиқатда Ўзбекистон давлат жа-
ҳон тиллари университетига Мак-
тумкули Фироеғий таваллудининг
275 йиллиги ҳамда Туркманистон
тикланиш ва бирдамлик кўни му-
носабати билан ўтказилган "Турк-
манистон маданияти кўни" тадби-
ри бунга бир мисол.

Тадбири Ўзбекистон Републикаси
халқ таълими вазири, "Ўзбеки-
стон — Туркманистон дўстлик жа-
мияти" раиси Ғайрат Шоумаров ки-
риш сўзи билан очди. Туркманис-
тоннинг Ўзбекистондаги фақуллод-
да ва мухтор элчиси Султон Пир-
мухаммедов "Туркманистон ва
Ўзбекистоннинг тарихий ва замон-
авий алоқалари" мавзусида маъ-
руза қилди. Эли жонбери халқ-
ларимизнинг ўзаро ижтимоий, ма-
даний алоқалари теран илдизлар-

ОЛИМ ИБРАТИ

Улуғ бобокалонимиз Заҳрирдин
Мухаммад Бобур туғилиб ўсган юрт
Андижон азалдан ўзининг меҳ-
мондўст, меҳр-оқибатли, ширинсу-
хан одамлари билан машхур
бўлган. Андижонликлар орасида
Ўзбекиона қадимий муомала мада-
нияти, ҳулқ-атвор қоидалари
ҳозиргача сақланиб қолган. Шу
билан бирга, олим ва шоирлар
шаҳри бўлмиш бу қутлуг масканда
ўзини илм ва адабиётга бағишла-
ганлар доимо хурмат-эҳтиромда
бўлишган.

Тилшунос олим, филология фанла-
ри доктори Фатҳиддин Исҳоқовни ҳам-
шаҳарлари ўта камтар, меҳр-оқибатли,
қуночак ва меҳнатқаш инсон сифатида
доимо ёдга олишади. Зиёли оилада та-
валлуд топган Фатҳиддин оғир уруш йил-
лари мактабни тугатиши билан меҳнат
қилишга мажбур бўлди. Ёшлигиданоқ
тилшунослик ва адабиётга қизиққани
боис, уруш тугагач, бўлажак олимлар
Ф.Саломов, Н.Шукроров, Н.Ра-
жабов, шоир Душан Файзий
билан бирга Самарқандда
ўқиб, устозлари эътиборига

Эднома
жонлик шоғирдлари бўлишига қарамай,
матбуотда қатъий танқидий фикр-муло-
ҳазалари билан чиққанди.
Камтарин ва соддадил инсон, ши-
жоатли ва талабчан олим Фатҳиддин
Исҳоқов бутун умрини ўзбек тили ва ада-
биёти ҳақида кўплаб илмий рисоалар
ёзди, тадқиқотлар олиб борди. Илмий
фаолияти давомида устоз Тошкент ва
Самарқанддаги тилшунос олимлар, шо-
ирлар, шунингдек, Москва ва Санкт-
Петербургда олимлар билан доимий ҳам-
корлики йўлга қилган эди.

Фатҳиддин Исҳоқов собиқ иттифоқ
давридаёқ Заҳрирдин Мухаммад Бобур
ижодини кунт билан ўрганган. Мустақил-
ликдан кейин эса, Бобур тили ва услу-

бини тадқиқ этишда илмий ютуқларга
эришгани боис, домлага "Бобурнома"
асарига изоҳли лугат тайёрлаш вазифа-
си ишониб топширилди. Бу шароити
вазифани ҳам олим бутун билими ва таж-
рибасини ишга солиб сидқидилдан адо
этди. Лугат тайёрлаш жараёнида муал-
лифнинг жумла яратиш усулига, сўз тан-
лаш маҳоратига завқ билан қайта-қайта
мувожаат қилган Ф.Исҳоқов ҳар сафар
учрашганимизда асардан олган янги-
янги таассуротларини завқ билан сўзлаб
берарди. "Бобурнома"ни ҳозирги ўзбек
адабий тилига ўғириса, унинг гўзаллиги
сингдирилиб кетади, "Бобурнома"ни
ўқитишдан мақсад — унинг гўзаллиги-
дан руҳлантиришда!" дерди.

Ҳаётда жуда юмшоққўнл, камсуқум
бўлган Фатҳиддин домла илмда қат-
тиққўл ва талабчан эди. Бир неча йил
бурун ўзбек тилининг изоҳли лугатла-
ридан бирига тақриз ёзиш у кишига топ-
ширилганди. Нашрдан бир
қанча камчиликларини топган
олим, гарчи лугат муаллиф-
ларининг аксарияти анди-
туши ва йигирма саккиз ёшида фило-
логия фанлари номзоди илмий даража-
си билан Андижонга қайтди. 1980 йил-
дан эътиборан Андижон давлат тиллар
педагогика институтида фаолият юри-
тган Фатҳиддин домла ўзбек тили ва ада-
биёти ҳақида кўплаб илмий рисоалар
ёзди, тадқиқотлар олиб борди. Илмий
фаолияти давомида устоз Тошкент ва
Самарқанддаги тилшунос олимлар, шо-
ирлар, шунингдек, Москва ва Санкт-
Петербургда олимлар билан доимий ҳам-
корлики йўлга қилган эди.

Фатҳиддин Исҳоқов собиқ иттифоқ
давридаёқ Заҳрирдин Мухаммад Бобур
ижодини кунт билан ўрганган. Мустақил-
ликдан кейин эса, Бобур тили ва услу-

Мухторхон УМАРХҲАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Дунё — кенг...



ЭНГ ҚИММАТ ГАМБУРГЕР

Нью-Йоркнинг машхур Уолл-
стрит даҳасида жойлашган
асосан гамбургер тайёрловчи
Wall Street Burger Shoppe рес-
торани менюсида янгича, қим-
матбахо гамбургер номи қайд
этилди, дейилади Reuters
агентлиги янгиликлариди.
Емакхона ҳўжайнларди 175
долларлик ушбу гамбургер
анча қиммат бўлишига қара-
май, мижозларга маъқул кели-
шига ишониммоқда.



Ресторан раҳбарларидан бири-
нинг айтишича, тамаддиҳонанинг
асосий мижозлари Уолл-стритдаги
биржага келувчилардир. Улар бир-
жадан одатда яхши кайфиятда ёки
тажанг бўлиб чиқшади. Ва аксарият
ҳолларда мижозлар 4 долларлик гам-
бургер сўрашади: "Биржага келган
мижозларимиздан бирининг омади
келса, ўша кун хурсандлигидан энг
қиммат, супер-гамбургер бюуртма
қилиши мумкин."

Нархига яраша гамбургер японча
мол гўшти, қора трюфел, фуа-гра,
шунинг асл «Грюйер» пишлоғи ва
ўрмон қўзқоринлари қўшиб тайёр-
ланмоқда. Трюфеллар ҳар доим ҳам
булмаслиги сабабли, супер-гамбург-
герларни фақат декабрдан март ойи-
га қадар сотиб олиш мумкин экан.

ЖИНОЯТЧИ ХҲТИК

Мексиканинг Чинапас штати
полициячилари одамларга
хужум қилган ҳўтикни қамаб
қўйди. Қонун ҳўмиоячилари жо-
ниворни пийёдага тан жароҳати
етказишда айбланмоқда, дея
хабар беради Associated Press
ахборот агентлиги.
Агентлик тарқатган маълумотлар-
га қўра, дам олиш кунни сайр қилиб
юрган 63 ёшли фуқаро Хенаро Вас-
кесга тўсатдан хужум қилган эшак
уни тишлаб олган. Шундан сўнг яна
бошқа бир йўловчи Андрей Эрнан-
десга ҳам ташланган. Жониворни
тинчлантириш учун полициячиларга
яна олти нафар ўтқинчи ҳам ёрдамга
келган.

Ажалланарлиси, ҳўтик ҳозирда ма-
ҳаллий қамоқхоналардан бирининг
безори кимсалар сақланувчи каме-
расида сақланмоқда. Полициячилар-
нинг айтишича, жонивор унинг эга-
си келиб йўловчиларга етказилган
зарар ва даволаниш харажатларини
қопламагунча қамоқда сақланар экан.
"Ахир бу жуда кулгили. Агар мен
тиббий харажатларни тўласам ҳўти-
гимини қайтариб беришаркан. Ха-
ражатларнинг ўзи эса жонивордан
ўч-тўрт баробар қимматга тушиб
кетмоқда", дейди ҳўтик эгаси ма-
ҳаллий телевидениега берган ин-
тервьюсида.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
Халқаро алоқалар ва бадий тарҳима
кенгаши «Еш тарҳимонлар клуби»нинг
навбатдаги машғулоту шу йил 27 май,
соат 15:00 да Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси биносиди (Ўзбекистон қўчаси, 16
уй, 6-қават. Тел: 227-08-31) ўтказилади.
Барча қизиққанлар тақлиф этилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва
Адабиёт жағфармаси уюшма аъзоси
Ҳамид Норқуловчани
КАРОМАТ аянинг
вафоти муносабати билан чўқур
ҳамдардлик изҳор этади.

Иқдор қўбиллар, бошқа турли қасб эгалари учун маънавий мин-
бар, зарур ҳамроҳ бўлиб қолган "Ташаккур" журналининг навбатда-
ги сониди ҳам, одатдагидек, қизиқиб ўқиладиган мақолалар, янги
тадқиқотлар, бадий ижод намуналари эълон қилинган. Хусусан,
Улуғбек Саидовнинг "Оломон маданияти", Кўпайсин Алиеванинг "Шахс
ва жамият: манфаватлар уйғунлиги", Баҳодир Зокирнинг "Эркинлик гоёси
такомилди ёхуд демократия тарихига бир назар", Мўмин Хошимовнинг
"Машрабни англаш", Сўйима Ғаниевнинг "Навоий, англик, боби вафо
ёзилмайду...?", Шаҳодат Муродовнинг "Космополитизм тантана қил-
димми?", Фаррухбек Олимовнинг "Навоий ҳам адашганими?" сарлавҳали
мақолаларида журналхонлар учун қизиқарли маълумотлар борки, улар-
ни мутолаа қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Журналининг "Жавондаги жаҳодир" рўқни бугунги кўннинг бадий му-
толасига бағишланган бўлиб, унда эълон қилинаётган мақолалар кўпчи-
ликка манзур бўлмоқда. Қуйида таниқли адабиётшунос олим Заҳрирдин
Исомиддиновнинг шу рўқндаги "Китоблар билан баҳс" сарлавҳали ма-
қоласидан бир бобни муҳтарам газетхонлар ҳўқмига ҳавола этамиз.

"Бобурнома"... Қуриганда ҳам хиди
гурқираб турадиган дасторбошга
ўхшайди. Бу асар — ҳар гал қўлга
олганда янгидан ифор таратади. Шунинг
учун уни бот-бот ўқийман. Тилининг
бир оз мураккаблиги шунга даъват этса
ҳам ажаб эмас. Аммо ҳар галги мутолаа
чоғида аввалгисиди англамаган ё чала
ўқиган маълумларни топиб завқ қиламан.
Ҳозир бундан бошли "Бобурнома" эмас,
ундаги бир жумла ҳақида фикрлашмоқчиман.

Бунга эса яқинда ўқиганим
Комил Авазининг "Тонг
эқини" деган китоби са-
баб бўлди. У ўндан ортеқ
ҳўқоа, ўнтача эсиқ, яна
шунча мақолалар бир неча
мактубдан ташкил топган.
Албатта, бу ҳўқоа ва эссе-
ларнинг ўз фазилату нўсонлари бор.
Гап бунда эмас. Китобнинг охирида,
илова қисмида Набижон Боқийнинг
Комил Авазга ёзган мактуби ҳам берилиб-
ди. Набижоннинг хатида "Бобурнома"
да ўз жонига қасд қилмоқ ҳўлати бор.
Нашр асносида уни "Қўналга" романи-
нигизга "едириб" юборсангиз бўлади"
деган тақлиф битилган экан. Бу фикр
Комил Авазга ҳам маъқул тушиб, у "Бо-
бур..." "Узумни ўлумга қарор бердим",
дея жонига қасд қилиш учун боғ
гўша-
си боради..." деган гапларни дарж
этади. Демак, Набижон ҳам, Комил оға
ҳам Бобур ўзини ўлдирши ниятида
бўлган, деб тушунибдилар.

Наҳот шундай бўлса?!

Ажабки, Бобур сўзларини ўз жонига
суиқасд маъносиди деб тушунаганлар
фақат икки киши эмас. Айримлар боғ-
ги жумлани "Узумни ўлумга (ўлдирши-
га) қарор бердим", дея қавс орасиди
изоҳлаб тақдим этади.

Улуғ шоиру мутафаккирлар асарла-
ридаги бир мисра ёки жумла ҳам гоҳо
ниҳоятда эътиборли бўлади. Шу парча
унинг ҳаётидаги нафақат муҳим бир па-
лани, балки умрлик эътиқодини оидин-
лаштиришда ҳам фақуллода аҳамият
қасб этиши мумкин. Ғарб илмида даҳо
адиблар ижодидаги биргина сўз ёки
парча талқинига оид бундай мисоллар
бехисоб. Ўзбек адабиёти тарихи майдон-
ида эса бир жумла устиди тадқиқот-
ларга эҳтиёж янада кўп.

Шифоталаб Бобур азбаройи ихлосидан
Ҳожа Ахорнинг "Волидия" асарини
наздама тарҳима қила бошлайди.
"Ушбу ният била "рамали мусаддаси
мақбуни аруз" ва "зарбоғи мақбуни
маъжур" вазидаким, мавлоно Абдурах-
мон Жомийнинг "Субҳа"си ҳам бу
вазанда, рисола назмига шўрш қилди-
м, ҳам ўшол кеча ўн уч байт айтайдим",
деб ёзади у. Яъни, тарҳима Жо-
мийнинг "Субҳа" асари билан бир хил
вазнда. Аммо Бобурни бизга тушунти-
рмоқчи бўлган баъзилар ўзи уни тушу-
нмай, "Бобур Ҳожа Ахорнинг "Волидия",
сини ҳам, Жомийнинг "Субҳа"сини ҳам
ўғирган" деб уқтирадики, оқибат, ил-
мида янгилаш ахборот пайдо бўлади...

Албатта, араб алифбоси "инжилик"ла-
рию кўлбазмалардаги бадхатликлар
орқасиди келиб чиқадиган чалқашликлар
бирисёр. Аммо бугун биз сўз юрит-
моқчи бўлган масала кўлбазмаларга ус-
лубга умуман даҳлдор эмас. Гап шун-
даки...

Кимдир бирор қай бир масалани ян-
гилашди. Банди беайб эмас. Ораддан бир

БОБУРНИНГ БИР ЖУМЛАСИ

адиб ёки алломанинг эътиқодини,
ҳаётий аъмолини талқин этишга оид
бўлса.

Кейинги вақтда айрим мақола ва ба-
дий асарларда гўё Бобурнинг бир пайт-
лар "ўз жонига қасд қилмоқчи бўлган"и
ҳақиқатдай очик ёзила бошлади. "Бо-



бурнома"дан олинган парча бунга "да-
лил" қилиб келтирилади.

Бобурнинг "Узумни ўлумга қарор
бердим" деган жумласига таянган му-
аллифлар бунини шоирнинг оғир изти-
роблари натижаси, дея ўйлагандир. Бу
"иқдор"дан шундай ҳўкм чиқаришдан
осони йўқ. Аммо...

Тоқу тахт талашиди Бобурнинг бо-
шига оғир, таҳликали кўнлар кўп туш-
ган. Нега марта нақд ўлим чангалидан
кўтулиб ҳам кетган. Буларни у "Бобур-
нома"да сарғузаштлари тавсифи сифа-
тида эмас, ўшандай пайтда кишининг
ҳаёлидан ўтадиган изтиробларни тас-
вирлаш, ўзини бу вартга ташлаган
"дўст"ларнинг кирдикорларини қорал-
лаш ва чин эътиқодини халоскорлик
қудратини далиллаш учун эслаб ўтади.

Ана шундай ҳўлатлардан бири
1502(3) йили бўлиб ўтган.

Ҳар томони бандан девор билан
ўралган бир қўрғон ичига душманлар
қамаб олган, ёнида биронта ҳам қўлдо-
ши қолмаган Бобур қаттиқ кўрқади:
"...Мунди дегач, манга ғариб ҳўлате
бўлди. Оламда жон ваҳимдин ёмонроқ
нима бўлмас эмиш. ...Узумда бетокат-
лиге фаҳм қилдим. Қўптум, боғ гўша-
сига бордим. Узум била андиша қил-
дим. Дедимким, киши агар юз, агар

шени бир тасаввур қилиб кўрайлик.
Баъзилар китоб ўқийганини кўриб, сенга
"Нега вақтин бекор кетказилсан, ёшсан,
ўйнаб кулсан бўлмайдингми?" дегандек
қарашади... Ахир, бу ҳаётда фақат ўзининг
роҳатинг учунгина яшайсан-ку!

Адабиёт газетасиди ёритилаётган мақола-
ларда тақор-тақор таъкидланаётганидек,
"адабиёт ўқитувчисининг ўзи "китобга касал"
бўлиши керак." Афсуски бугун муҳтарам
ўқитувчилари-
миз орасиди ки-
тоблардан узок-
лашганлар ҳам
оз эмас. Айрим
олийгоҳларда
ўқитувчилар ки-
тоб бизнесига
ўтишган: ўзларининг ўтмай қолган китобла-
рини талабаларга "реализация" қилишади,
сотиб олишмаси баҳо ҳам ўша-
нга яраша бўлади.

Қабул имтиҳонларида иншо
ёзишни тиклаш тўғрисидаги тақ-
лифга юз фоиз қўшиламан. Сир эмас, иншо
орқали одамнинг саводхонлик даражасини,
ижодий салоҳиятини билиб олас бўлади.

Хулоса ўрнида шунки айтмоқчиманки,
етук бадий асарлар балки кўп эмасдир, лекин
китоб билан ошно бўлган ўсмир бора-бора
ҳаёт моҳиятига теран назар ташлай бошла-
йди, қалбининг энг чуқур ерларида эғу-
ғу фикрлар илдиз отади. Бундай инсонлар
бошқаларга нисбатан ўзгача фикрлаши, сами-
мияти билан ажралиб туради.

МУСАВИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ
ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ
ПОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТКА
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ
ҲОМИЙ: «МАТЕУОТ ТАРҚАТУВЧИ»
АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston
adabiyoti va san'ati
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Электрон манзилимиз:
uzasziyoli@list.ru
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50
Санаъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-49-93
Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош
муҳаррир
Аҳмаджон
МЕЛИБОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.30.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан
рўйхатга олинган. А — 5706. Бюроғима Г — 448. Ҳажми — 5 босма тибак.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6 7 8

ЖУМА
КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ.
СОТУВДА
НАРХИ
ЭРКИН